O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 6-may • Seshanba • 57 (27.862) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«Ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат аввало ўз фарзандлари қиёфасида, унибўсиб келаётган ёш авлод тимсолида шу халққа хос хусусият ва фазилатларни намоён этадиган, унинг азалий орзу-интилишларини рўёбга чиқарадиган буюк кучни кўради».

ЎзХДП: Жамоатчилик қабулхоналарида

«ФАОЛЛАРДАН МИННАТДОРМАН»

партиянинг Ғаллаорол туман кенгаши Жамоатчилик қабулхонасига келаётган хатлар, қўнғироқлардан бундай фикрларни тез-тез ўқиш, эшитиш мумкин

— Яхши ниятлар билан 2006 йилда «Нозимабегим Насибаси» хусусий корхонасини ташкил этган эдим, — дейди ЎзХДП аъзоси Насиба Илёсова. — Дастлаб миллий ва тўй либослари, махсус иш кийимлари, чойшаблар, пардалар тикишни йўлга қўйдик. Ўтган йили эса корхонамиз фаолиятини кенгайтириш мақсадида кредит олишга қарор қилдик ва ёрдам сўраб Жамоатчилик қабулхонасига мурожаат этдик. Қабулхона кўмаги, партия туман кенгашининг аралашувидан сўнг банкдан қисқа муддатда 10 миллион сўм кредит олишга муваффақ бўлдик. Натижада бугунги кунга келиб корхонамизнинг фаолият йўналишини кенгайтиришга, 1200 бош товуқ сотиб олиб, тухум, товуқ гўшти, қандолат маҳсулотларини ҳам савдога чиқаришга эришдик. Шундай қилиб, 30 нафар киши ишли бўлди, 10 та хонадонда касаначиликни йўлга қўйдик. Икки йилдан бери «Ташаббус» танловининг вилоят ҳамда республика босқичларида муваффақиятли қатнашиб келаяпман, «Шуҳрат» медали билан тақдирландим. Буларнинг ҳаммаси учун оддий бир аъзо сифатида мени ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган партиямизнинг туман кенгаши, Жамоатчилик қабулхонасидан миннатдорман.

Бугун шуни эътироф этиш керакки, сўнгги икки йил мобайнида мазкур Жамоатчилик қабулхонаси фуқароларнинг мурожаатларини ўрганиш, уларга амалий ёрдам бериш, мавжуд муаммоларни қонун доирасида амалий ҳал этиш имконини берадиган муҳим восита, партия дастурий мақсадларини рўёбга чиқаришнинг синалган шаклларидан бирига айланди. Биринчи йили қабулхонада 26 та ёзма, 43 та оғзаки мурожаат қайд этилган бўлса, ўтган йили мурожаатлар сони 81 тани ташкил этди.

— Умид ва ишонч билан қабулхонага келган фуқаронинг дарду ташвишларини эшитсак, мушкулини осон қилишга кўмаклашсак, жойларда бизга хайрихоҳлар кўпаяди, партиямизнинг обрўси ошади, — дейди ЎзХДП Ғаллаорол туман кенгаши раиси Бурҳон Темиров. — Молтоп қишлоғида истиқомат қилувчи фуқаро Иродахон Эргашеванинг мурожаатини олайлик. У ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида берилаётган истеъмол кредити олишда ёрдам сўраб келди. Банк филиалига мурожаат қилганимиздан сўнг унга 4 миллион сўм истеъмол кредити берилди. Энг муҳими, Иродахон ва унинг оила аъзолари, уни таниган-билганларда партиянинг жойлардаги кенгашлари, депутатлик гуруҳлари, у ёки бу даражадаги муаммоларни ҳал этишга қодир эканликларига ишонч пайдо бўлди. Энди улар тегишли ёрдам сўраб Жамоатчилик қабулхонамизга келишаяпти, қўнғироқ қилишаяпти.

Одатда, сиёсий партиянинг обрўси, таъсирчанлиги унинг амалий ишлари билан белгиланади. Шунинг учун ҳам қабулхонага тушаётган ариза ва мурожаатлар, талаб ва сўровларнинг ҳеч бирига кичик ёки оддий масалалар деб қаралмаяпти, уларнинг ҳеч бири эътибордан четда қолмаяпти. Ўтган йилнинг август ойида Сардоба қишлоғилик 1984 йилда туғилган Ғайрат Одиловнинг иш сўраб ёзган илтимосига нисбатан бўлган муносабат ҳам буни тасдиқлаб турибди. Бу масалада ҲДПдан туман Кенгаши депутати Ибрагим Мухторов туман ҳокимлигига депутат сўрови киритди. Кўп ўтмасдан ёш йигит «Сангзорпарранда» ҳиссадорлик жамиятига ишга жойлашди. Сарбозор қўрғони «Олимлар» маҳалласидан Асқар Алиқулов, «Самарқанд» маҳалласидан Ирина Мацевич, Қангли қишлоғидан Марҳабо Бегимқулова, «Дўстлик» маҳалласидан Нодира Муҳаммадиеваларнинг мурожаатлари тўғрисида ҳам шундай фикрларни билдириш мумкин. Бу каби ўнлаб ариза ва мурожаатларнинг амалий ечимини топишда туман Кенгаши депутатлари Санақул Лапасов, Муҳаррам Зубайдуллаева, Абдурауф Суюнов сингари партиямиз фаолларининг хизматлари катта бўлди.

Жамоатчилик қабулхонасининг эшиги ҳамиша очиқ. Навбатчилик йўлга қўйилган. Унинг ишида партиямиздан сайланган 16 нафар туман, 3 нафар вилоят Кенгаши депутати, 62 та бошланғич ташкилот раислари фаол иштирок этмоқда.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ФАРЗАНДЛАРИ ҲЕЧ КИМДАН КАМ ЭМАСЛИГИНИ ЯНА БИР БОР ИСБОТЛАШДИ

Олтин медаль совриндорлари.

Бир ҳафта мобайнида пойтахтимизда давом этган кимё фани бўйича ўқувчиларнинг 42-халқаро Менделеев олимпиадаси якунига етди. М.Ломоносов номидаги Москва давлат университети Тошкент филиалида ғолиб ва совриндорларни тақдирлаш маросими ўтказилди. Мамлакатимиз ёшлари 1 та олтин, 1 та кумуш, 8 та бронза медалини қўлга киритиб, ўн бешта мамлакат вакиллари ўртасида умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди.

Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари.

28 апрель — 4 май кунлари пойтахтимизда кимё фани бўйича ўтказилган ўқувчиларнинг 42-халқаро Менделеев олимпиадаси чинакамига ёш истеъдодлар синови бўлди. Эслатиб ўтамиз, унда Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Молдова, Украина, Озарбойжон, Арманистон, Болгария, Белорусь, Руминия, Латвия, Эстония давлатларидан келган иқтидорли ёшлар ўз билимларини намойиш этиб, ғолиблик учун кураш олиб бордилар. Улар сафида ўн нафар юртимиз йигит-қизлари ҳам бор эди. Яна беш нафар ўнинчи синф ўқувчилари эса олимпиадада захирадаги таркиб сифатида иштирок этишди.

(Давоми 2-бетда)



Халқнинг маданий қадриятлари, маънавий мероси минг йиллар мобайнида Шарқ халқлари учун қудратли маънавият манбаи бўлиб хизмат қилган. Узоқ вақт давом этган қаттиқ мафкуравий тазйиққа қарамай, Ўзбекистон халқи авлоддан авлодга ўтиб келган ўз тарихий ва маданий қадриятларини ҳамда ўзига хос анъаналарини сақлаб қолишга муваффақ бўлди.

Ислом КАРИМОВ.

ЎТМИШ ВА КЕЛАЖАКНИНГ ОЛТИН КЎПРИГИ

3-4 май кунлари Қашқадарё вилоятининг Китоб туманида «Асрлар садоси» анъанавий маданият фестивали бўлиб ўтди

Бу ўзига хос анжуман қадим ва навқирон шаҳри Кешнинг ўлмас обидаси Оқсаройнинг «Зафар дарвозаси»дан чиққан карвоннинг етиб келиши билан бошланди. Тепада Зарафшон тизма тоғлари. Бу тоғларда улуғ саркарда, илм-маърифат ҳомийси Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг, ҳазрат Алишер Навоий ва Бобур Мирзонинг табаррук излари қолган. Бугун бу довон Тошкент — Термиз йўлини бирлаштириб турибди. Ана шу йўлнинг бир чеккасида Қоратепа адирлари ястаниб ётибди. Кейинги пайтда бу ерни китобликлар «Наврўз сайилгоҳи» дея аташмоқда. Мазкур нуфузли фестиваль арафасида бўлиб ўтган матбуот конференциясида анжуман режиссёрларидан бири — «Эски мачит» театр студияси раҳбари Исоқ Тўраев «халқ сайили сифатида ўтадиган бундай тадбир учун табиатнинг ўзи улкан саҳна» деганида минг бор ҳақ экан.

4-бет

9 май – Хотира ва қадрлаш куни

ИККИ АВЛОД УЧРАШУВИ

Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқали драма театрида Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган учрашув бўлиб ўтди

«Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги томонидан ташкил этилган ушбу тадбирга шаҳарча ҳудудидаги маҳаллаларда истиқомат қилаётган уруш ва меҳнат фахрийлари, ёши улуғ кишилар, талаба ёшлар таклиф этилди.

Юртимизда нуронийларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини тобора такомиллаштириш, уларга тиббий, санаторий-курорт, коммунал-маиший ва транспорт хизматлари кўрсатишни янада яхшилаш билан боғлиқ масалалар давлатимиз раҳбарининг доимий диққат-эътиборида экани таъкидланди. Зеро, ёши улуғларни эъзозлаш, уларга иззат-эҳтиром кўрсатиш, ибратли ҳаёт йўли, фаолиятидан ўрнак олиш, ўгит ва насиҳатларига риоя этиш халқимизнинг азалий қадриятларидандир.

Умумхалқ байрами 9 май — Хотира ва қадрлаш куни арафасида «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида ҳам бир қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Ёлғиз кексалар, ижтимоий муҳофазага муҳтожлар, уруш ва меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олиниб, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилмоқда. Байрам муносабати билан олий ўқув юртларида, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида, мактабларда уруш ва меҳнат фахрийлари иштирокида учрашувлар, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

Фестиваль

НУРЛИ КЕЛАЖАККА ИНТИЛАЁТГАН КАРВОН

Бугун Қашқадарё вилоятининг Китоб туманида «Асрлар садоси» деб номланган анъанавий маданият фестивали бошланади.

Аввало, бу ўзига хос анжуман, ҳатто уни қутлуғ деб ҳам аташ мумкин. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ташаббуси билан ўтказилаётган мазкур тадбирда асрлар давомида сайқалланиб, ривожланиб келаётган миллий қадриятларимиз, кураш, кўпкари, қўшиқ, рақс сингари жозибали ҳамда мардона ўйинлар намойиш этилади.

Тўй — самимий туйғулар ва тилаклар айёмидир. Бу гал ҳам шундай бўлди. Китоб тумани бир неча қундирки, байрам оғушида. Мамлакатимизнинг ҳамма томонидан, ҳатто ўзга юртлардан келаётган меҳмонлар карнай-сурнай садолари остида кутиб олинмоқда. Агар таъбир жоиз бўлса, елкасида икки дарё мавжланаётган Китоб — асрлар садоси ва келажак овозига пешвоз чиқди. Қадимий ва машҳур Тахтакорача довони пойида жойлашган Қайнар қишлоғида кенг адирлик бор. У кейинги йилларда «Наврўз сайилгоҳи» деб аталмоқда. Фестиваль учун худди шу ер танланди.

— Очиғи, бундай катта оммавий тадбирни очиқ табиат қўйнида ўтказишнинг ўзига хос гашти бор, — дейди фестивалнинг бош режиссёри Рустам Шамсиддинов. — Фестиваль дастури хилма-хил. Кураш, кўпкари, миллий ўйинлар, либослар кўргазмаси, халқ бахшиларининг кўриклари бўлиб ўтади. Очиқ майдонда пазандалар тотли таомлар тайёрлашади. Хуллас, ҳақиқий халқ сайли бўлади.

Тарихий манбаларда қайд этилишича, Амир Темур бобомиз зафарли юришлардан Самарқандга қайтганидан кейин бепоён Конгил кенгликларида сайл ва тўйлар ўтказаркан. Бу ҳам бежиз бўлмаса керак. У киши Шаҳрисабзда қурдирган тенги йўқ Оқсарой «Зафар дарвозаси» бўлган. Шу кунгача сақланиб қолган кунгирадор қанотлар — дарвоза орасидан чиққан катта карвон Амир Темурнинг маҳобатли ҳайкали олдидан ўтди. Гўё улуғ ишларимизга улуғ зот дуогўй бўлиб тургандай. Ўнлаб туя, от, араваларга юклар ортилган карвон асрлар юкини кўтаргандай сайилгоҳга кириб кела бошлади. Туялар бўйнига илинган қўнғироқлар эса гўё асрлар садоси бўлиб янгради.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

КАНДАКОР УСТА

Ўзбекистон Бадиий Академияси ҳамда Ҳунармандлар уюшмаси аъзоси, фарғоналик кандакор уста Зокиржон Ғофуровнинг дурдона асарлари ноёб санъат намуналари сифатида нафақат юртимизда, балки кўплаб хорижий мамлакатларда ҳам довруғ таратган.

Ўнлаб шогирдларига ўз ҳунари сир-асрорларини қунт билан ўргатаётган кандакор устанинг мўъжаз устахонасида тайёрланаётган асарлар кўплаб чет эл кўргазмаларида ҳам намойиш этиб келинади. Хусусан, шу кунгача устанинг ижод намуналари Россия, Қозоғистон, Германия, Буюк Британия, АҚШ, Франция, Япония ва Болтиқбўйи давлатларида муваффақият қозонган. Шу билан бирга, моҳир устанинг ўзбек миллий кандакорлик анъаналари асосида яратилган ўнлаб асарлари нусхалари юртимиздаги қатор санъат кўргазмалари, музейлар пештахталаридан муносиб ўрин эгаллаган.

— Келажакда ниятларим кўп. Аввало, устозим, машҳур кандакор уста Мақсуд Мадалиевдан ўрганган маҳорат мактаби сабоқларини ёшларга ўргатиш, янги-янги ижод намуналарини яратиб, кандакорлик шуҳратини янада юқори поғоналарга кўтаришдир, — дейди Зокиржон Ғофуров. — Қолаверса, ўз тажрибаларимни фарзандларимга ҳам ўргатиб, оиламизда кандакорлик анъаналарини давом эттириш.

Суратда: *кандакор уста Зокиржон Ғофуров ўғли Фирдавс билан иш устида.*

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.

СЎЗ

Мавриди келмаса чопма бедовни,
Жавобини билсанг, берма саволни.
Дунёда сукутдан яхшироғи йўқ,
Сўз айтишга мажбур қилма бировни.

Абдулла ОРИПОВ,
2008 йил, 29 апрель.

ИЖОД — КЎНГИЛ ИЗҲОРИ

Адабиёт, ижод шундай бир бағрикенг оламки, унинг эшиги ҳамма учун ҳамиша очиқ. Касб ҳам, ёш ҳам танламайди... Эътиқод билан изланса, бу беҳиштда ҳар ким ўз сўзини топаолади...

Адабиёт деб аталмиш эзгулик олами ичра яшаган одамдан ёмонлик чиқмайди дейишади. Унинг кўнглида яхшилик яшайди. Касб-коридан қатъи назар бундай одамлар қалбида илоҳий туйғулар мавж уради... Фақат ўз касбига дахлдор масалалар устида эмас, балки меҳр-оқибат, диёнат, инсон, ҳаёт, Ватан ҳақида ҳам ўйлайди. Бундай одамлар бошқаларни ҳам ўйга толдира олади. Бунга машҳур шифокор Абдулла Шоносир, самарқандлик прокуратура ходими Исматулла Йўлдошев, қашқадарёлик ҳуқуқшунос Холмуҳаммад Ҳасан каби турли касб эгаларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Уларнинг ҳаётга, инсонга муносабати бошқа ҳамкасбларидан бироз бўлса-да фарқ қилади, кўнгли очиқлик, камтарлик, самимият сезилиб туради.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят суди судьяси Исматулла МАМАНОВ ҳам ана шундай инсонлардан. Унинг ёзганларини ўқисангиз беихтиёр хаёлга толиб қоласиз...

УЧЛИКЛАР

Адолат —
Туҳматнинг кўксига санчилган шамшир.
Суғурманг уни.

◆◆◆

Оёғим ердан узилиб,
Нафс дорига осилиб
Ўлганимга анча бўлди.

◆◆◆

Воситачилик ҳар ҳолда
Пора олиш дегани эмас.
Аммо, иккаласи ҳам жиноят.

◆◆◆

Умр қисқа эди,
Туҳмат аралашиб
Баттар қисқарди.

◆◆◆

Ит вафо...
Бадфеъл эркакларнинг туҳмати бу —
Аёл зотига.

◆◆◆

Етмиш ёшдан ўтди бу одам.
Умр берсин.
Лекин, қишлоғидан нари ўтмади.

◆◆◆

У эшикдан кириб,
Бу эшикдан чиқдим.
Умр ўтди.

◆◆◆

Туяни яширсанг ўркачи...
Касални яширсанг иситмаси...
Ҳақиқатни яшириб бўлмайди.

◆◆◆

Қилич қинидан чиқди...
Огоҳ бўл.
Инон-ихтиёри ўзида эмас.

◆◆◆

От тепкисини от кўтарар.
Кўтаролмаса...
Отлиги қаерда қолди?

◆◆◆

Тушунарлими?
Тушунарли, деди ҳамма.
Демак, тушунарли эмас.

◆◆◆

Туғилдинг —
Ўлдинг.
Оралиқ йўл — Синов.

Исматулла МАМАНОВ

Фанимиз фидойилари

ЗОИР ОТАНИНГ ОЛИМ ЎҒЛИ

Қаттиққўл ва талабчанлиги билан ном чиқарган кимё фани ўқитувчиси Мирзажон Комилов бугунги дарсни одатдагидан фарқлироқ хушкайфият билан бошлади: «Болалар, ҳалол меҳнат билан бир ишни қилганингдан кейин шунга яраша натижасини кўриш инсонга завқ, хурсандчилик бағишлайди. Вақтим, кучим бекор кетмабди, умрим беҳуда ўтмабди деб ўзингизда бир сидра қониқиш туясиз.

Синфдошингиз Машкура Содиқованинг акаси Олимжон бундан саккиз йил аввал худди мана шу мактабда ўқиганди. У кимё фанига жуда қизиқарди. Менделеев жадвалини ёдлаб, турли тажрибалар ўтказишга рухсат беришимни кўп сўрарди. Мабодо маҳалласидан ўтиб қолсам, албатта, шогирдимнинг отаси Зоир акага дуч келардим. У киши фарзандининг ўқиши, мактабдаги юриш-туришини эринмай сўрардилар. Ўғлимнинг исмини орзу-ҳавас билан Олим деб қўйганман. Ниятларим ушалармикан, домла? — деб сўрардилар.

Ота-онасининг болалари тақдирига бефарқ эмаслиги боис орадан йиллар ўтиб, Олимжон Тошкент политехника институтининг кимё-технология факультетига ўқишга кирди. Уни тамомлагач, ЎзРФАнинг Ўсимлик моддалари кимёси институтидаги тажриба-технология лабораториясида катта лаборант бўлиб иш бошлади ва кейинги фаолиятини илмга, изланишга қаратди. Куни кеча «Кимё» журналида Олимжоннинг алкалоидлар ишлаб чиқариш технологияларига оид биринчи илмий мақоласи эълон қилинибди. Мен ва ота-онасининг меҳнатлари зое кетмабди. Буни сизларга ибрат бўлсин дея гапириб бераяпман...»

Олимжон дастлабки илмий изланишлари билан илмий-тадқиқот институтидаги домлалари, ҳамкасблари орасида тезда обрў-эътибор топди. Институт асосчиси, академик Собир Юнусовнинг назарига тушди. 1984 йилга келиб эса «Протопин, гидрастин, гелиотрин ва лаппаконитинларни ишлаб чиқариш технологиялари» мавзуида номзодлик диссертацияси ёқлади.

Олимжон Содиқовнинг бугунги кунгача юздан ортиқ илмий ишлари эълон қилинган. Унинг аллапинин, аконитин, бикукулин каби препаратлари турли халқаро ва республика миқёсидаги кўргазмаларда иштирок этиб, олтин, кумуш ва бронза медаллари билан сазовор бўлган. Ҳозир у киши «Алкалоидлар ишлаб чиқариш технологияси», «Алкалоидлар миқдори ва сифатини аниқлаш усулларини ишлаб чиқариш» гуруҳларининг илмий ишларига раҳбарлик қилиб келмоқда.

Шу ўринда институт олимлари, жумладан, Олимжон Содиқовнинг ҳам саъй-ҳаракати туфайли яратилган бир кашфиёт ҳақида тўхталмасликнинг иложи йўқ. Бу халқаро миқёсда эътироф этилган доривор ўсимликдан олинадиган антиаритмик аллапинин препаратидир. Бундан йигирма икки йил муқаддам яратилиб, институтнинг тажриба-ишлаб чиқариш корхонасида чиқарила бошлаган бу дори-дармон ҳозиргача юрак хасталигига учраган миллионлаб инсонларнинг дардига малҳам бўлиб келмоқда.

Юрак хуружи ҳозирга келиб, том маънода аср касалига айланди. Асаблар, эҳтиросларнинг қайнаган пайтда юрак панд бериб қўйиши оддий ҳолга айланиб қолди. Бунинг олдини олиш, юракнинг мунтазам ишлаб, бир меъёрда уриб туришини таъминлаш масаласи кун тартибига чиқан муаммолардан бирига айланди. Ушбу касалликни тез ва таъсирчан даволашда қўлланиладиган дори-препарат академик Собир Юнусов бошчилигидаги ўзбек олимлари томонидан яратилди. Мазкур препаратдан бугунги кунда нафақат мамлакатимизда, балки МДҲ давлатлари ва ҳатто Францияда ҳам фойдаланилиб келинмоқда.

2007 йилда аллапинин доривор препарати асосларини ишлаб чиқиб, уни тиббиёт амалиётига татбиқ этиб, ишлаб чиқишни ташкил этган бир гуруҳ олимлар Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника соҳасида янги таъсис этилган биринчи даражали Давлат мукофоти билан тақдирландилар. Улар орасида Олимжон ака ҳам бор.

Олимжон ака ҳозир ҳам ёниб, янги илмий лойиҳалар, ихтиролар хаёли билан яшамоқда. Барчамизга ана шундай ёниб яшаш бахти насиб этсин.

Шуҳрат РИЗАЕВ

Суратда: *Олимжон Содиқов шогирдлари ва ҳамкасблари билан.*

Аччиқ, аммо очиқ гап!

ШАҲАР ҲУСНИДАГИ ДОҒ

ёки бепарволик ва масъулиятсизлик оқибати

Юртимиз харитасида пайдо бўлганига эллик йил тўлган чўлқуварлар маскани — Янгиернинг ҳавас қилгулик боғ-роғлари, хиёбонлари, равон кўчалари, обод майдонлари кўп. Шулардан бири шаҳарнинг қоқ ўртасидан кесиб ўтувчи Жанубий Мирзачўл канали ва Катта Ўзбек тракти ёқасидаги сайхонликда жойлашган Саркисов хиёбони эди.

Мазкур хиёбон бундан ўнўн беш йиллар илгари янгиерликларнинг энг севимли ҳордиқ маскани эди. Бу ерга саратонда ёшлар, фахрийлар келиб, арча, чинор, эманлар соясида мириқиб дам оларди, келин-куёвлар эсдалик учун суратга тушарди, ўтюрак йигит-қизлар каналда мазза қилиб чўмиларди, ахду паймонли ёшлар ҳаяжонли висол учрашувларига чиқарди.

Яқинда янгиерлик бир танишимизникига меҳмонга ўтаётиб, хиёбоннинг бугунги аҳволига кўзимиз тушди-ю, гўзал бир гўшанинг ташландиқ ҳолидан юракларимиз увишиб кетди. Дарахтлар қаровсизликдан сийраклашган, улар остидаги ўриндиқларнинг ранги ўчган, симёғочлардаги ёритгичлар синдирилган, ерга тартиб билан ётқизилган мармар кошинлар кўчирилган...

Хиёбон маркази чиройли манзарали чўян панжаралар ва занжирлар билан ўралган эди. Ҳатто шуларнинг ҳам бир қисмини кимлардир кўчириб кетибди. Кишини афсуслантирадиган, кўнгилни хира торттирадиган бу манзара ҳамманинг назаридан четдаги бир гўшада эмас, шаҳарнинг энг кўринарли ерида жойлашган. Қўл чўзсанг етадиган жойда автошоҳбекат, равон марказий кўча эса тўғри ҳокимият биносига олиб боради. Демак, шаҳар раҳбарлари, жамоатчилик деярли ҳар куни бу ердан бир неча марта ўтишади. Наҳотки уни кўришмаса? Нима бу — бепарволикми? Ёки кимдир келиб бу ерни обод қилиб беради деб кутишмоқдами? Эҳтимол, шаҳар раҳбарлари маблағ йўқ деб баҳона қилишаётгандир? Наҳотки бу ишга ҳомийлик қиладиган мард топилмаса? Наҳотки одамларнинг бошини қовуштириб, ҳашар уюштиришнинг имкони бўлмаса?..

Ўйлаймизки, шаҳар жамоатчилиги бу аҳволга муносабат билдиради, хиёбонни асл ҳолига қайтаради ва уни яна янгиерликларнинг севимли маскани ва ҳордиқ маскани ва ҳордиқ маскани ва ҳордиқ

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 6-may • Seshanba • 57 (27.862) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«Ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат аввало ўз фарзандлари қиёфасида, унибўсиб келаётган ёш авлод тимсолида шу халққа хос хусусият ва фазилатларни намоён этадиган, унинг азалий орзу-интилишларини рўёбга чиқарадиган буюк кучни кўради».

ЎзХДП: Жамоатчилик қабулхоналарида

«ФАОЛЛАРДАН МИННАТДОРМАН»

партиянинг Ғаллаорол туман кенгаши Жамоатчилик қабулхонасига келаётган хатлар, қўнғироқлардан бундай фикрларни тез-тез ўқиш, эшитиш мумкин

— Яхши ниятлар билан 2006 йилда «Нозимабегим Насибаси» хусусий корхонасини ташкил этган эдим, — дейди ЎзХДП аъзоси Насиба Илёсова. — Дастлаб миллий ва тўй либослари, махсус иш кийимлари, чойшаблар, пардалар тикишни йўлга қўйдик. Ўтган йили эса корхонамиз фаолиятини кенгайтириш мақсадида кредит олишга қарор қилдик ва ёрдам сўраб Жамоатчилик қабулхонасига мурожаат этдик. Қабулхона кўмаги, партия туман кенгашининг аралашувидан сўнг банкдан қисқа муддатда 10 миллион сўм кредит олишга муваффақ бўлдик. Натижада бугунги кунга келиб корхонамизнинг фаолият йўналишини кенгайтиришга, 1200 бош товуқ сотиб олиб, тухум, товуқ гўшти, қандолат маҳсулотларини ҳам савдога чиқаришга эришдик. Шундай қилиб, 30 нафар киши ишли бўлди, 10 та хонадонда касаначиликни йўлга қўйдик. Икки йилдан бери «Ташаббус» танловининг вилоят ҳамда республика босқичларида муваффақиятли қатнашиб келаяпман, «Шуҳрат» медали билан тақдирландим. Буларнинг ҳаммаси учун оддий бир аъзо сифатида мени ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган партиямизнинг туман кенгаши, Жамоатчилик қабулхонасидан миннатдорман.

Бугун шуни эътироф этиш керакки, сўнгги икки йил мобайнида мазкур Жамоатчилик қабулхонаси фуқароларнинг мурожаатларини ўрганиш, уларга амалий ёрдам бериш, мавжуд муаммоларни қонун доирасида амалий ҳал этиш имконини берадиган муҳим восита, партия дастурий мақсадларини рўёбга чиқаришнинг синалган шаклларидан бирига айланди. Биринчи йили қабулхонада 26 та ёзма, 43 та оғзаки мурожаат қайд этилган бўлса, ўтган йили мурожаатлар сони 81 тани ташкил этди.

— Умид ва ишонч билан қабулхонага келган фуқаронинг дарду ташвишларини эшитсак, мушкулини осон қилишга кўмаклашсак, жойларда бизга хайрихоҳлар кўпаяди, партиямизнинг обрўси ошади, — дейди ЎзХДП Ғаллаорол туман кенгаши раиси Бурҳон Темиров. — Молтоп қишлоғида истиқомат қилувчи фуқаро Иродахон Эргашеванинг мурожаатини олайлик. У ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида берилаётган истеъмол кредити олишда ёрдам сўраб келди. Банк филиалига мурожаат қилганимиздан сўнг унга 4 миллион сўм истеъмол кредити берилди. Энг муҳими, Иродахон ва унинг оила аъзолари, уни таниган-билганларда партиянинг жойлардаги кенгашлари, депутатлик гуруҳлари, у ёки бу даражадаги муаммоларни ҳал этишга қодир эканликларига ишонч пайдо бўлди. Энди улар тегишли ёрдам сўраб Жамоатчилик қабулхонамизга келишаяпти, қўнғироқ қилишаяпти.

Одатда, сиёсий партиянинг обрўси, таъсирчанлиги унинг амалий ишлари билан белгиланади. Шунинг учун ҳам қабулхонага тушаётган ариза ва мурожаатлар, талаб ва сўровларнинг ҳеч бирига кичик ёки оддий масалалар деб қаралмаяпти, уларнинг ҳеч бири эътибордан четда қолмаяпти. Ўтган йилнинг август ойида Сардоба қишлоғилик 1984 йилда туғилган Ғайрат Одиловнинг иш сўраб ёзган илтимосига нисбатан бўлган муносабат ҳам буни тасдиқлаб турибди. Бу масалада ҲДПдан туман Кенгаши депутати Ибрагим Мухторов туман ҳокимлигига депутат сўрови киритди. Кўп ўтмасдан ёш йигит «Сангзорпарранда» ҳиссадорлик жамиятига ишга жойлашди. Сарбозор қўрғони «Олимлар» маҳалласидан Асқар Алиқулов, «Самарқанд» маҳалласидан Ирина Мацевич, Қангли қишлоғидан Марҳабо Бегимқулова, «Дўстлик» маҳалласидан Нодира Муҳаммадиеваларнинг мурожаатлари тўғрисида ҳам шундай фикрларни билдириш мумкин. Бу каби ўнлаб ариза ва мурожаатларнинг амалий ечимини топишда туман Кенгаши депутатлари Санақул Лапасов, Муҳаррам Зубайдуллаева, Абдурауф Суюнов сингари партиямиз фаолларининг хизматлари катта бўлди.

Жамоатчилик қабулхонасининг эшиги ҳамиша очиқ. Навбатчилик йўлга қўйилган. Унинг ишида партиямиздан сайланган 16 нафар туман, 3 нафар вилоят Кенгаши депутати, 62 та бошланғич ташкилот раислари фаол иштирок этмоқда.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ФАРЗАНДЛАРИ ҲЕЧ КИМДАН КАМ ЭМАСЛИГИНИ ЯНА БИР БОР ИСБОТЛАШДИ

Олтин медаль совриндорлари.

Бир ҳафта мобайнида пойтахтимизда давом этган кимё фани бўйича ўқувчиларнинг 42-халқаро Менделеев олимпиадаси якунига етди. М.Ломоносов номидаги Москва давлат университети Тошкент филиалида ғолиб ва совриндорларни тақдирлаш маросими ўтказилди. Мамлакатимиз ёшлари 1 та олтин, 1 та кумуш, 8 та бронза медалини қўлга киритиб, ўн бешта мамлакат вакиллари ўртасида умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди.

Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари.

28 апрель — 4 май кунлари пойтахтимизда кимё фани бўйича ўтказилган ўқувчиларнинг 42-халқаро Менделеев олимпиадаси чинакамига ёш истеъдодлар синови бўлди. Эслатиб ўтамиз, унда Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Молдова, Украина, Озарбойжон, Арманистон, Болгария, Белорусь, Руминия, Латвия, Эстония давлатларидан келган иқтидорли ёшлар ўз билимларини намойиш этиб, ғолиблик учун кураш олиб бордилар. Улар сафида ўн нафар юртимиз йигит-қизлари ҳам бор эди. Яна беш нафар ўнинчи синф ўқувчилари эса олимпиадада захирадаги таркиб сифатида иштирок этишди.

(Давоми 2-бетда)

Халқнинг маданий қадриятлари, маънавий мероси минг йиллар мобайнида Шарқ халқлари учун қудратли маънавият манбаи бўлиб хизмат қилган. Узоқ вақт давом этган қаттиқ мафкуравий тазйиққа қарамай, Ўзбекистон халқи авлоддан авлодга ўтиб келган ўз тарихий ва маданий қадриятларини ҳамда ўзига хос анъаналарини сақлаб қолишга муваффақ бўлди.

Ислом КАРИМОВ.

ЎТМИШ ВА КЕЛАЖАКНИНГ ОЛТИН КЎПРИГИ

3-4 май кунлари Қашқадарё вилоятининг Китоб туманида «Асрлар садоси» анъанавий маданият фестивали бўлиб ўтди

Бу ўзига хос анжуман қадим ва навқирон шаҳри Кешнинг ўлмас обидаси Оқсаройнинг «Зафар дарвозаси»дан чиққан карвоннинг етиб келиши билан бошланди. Тепада Зарафшон тизма тоғлари. Бу тоғларда улуғ саркарда, илм-маърифат ҳомийси Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг, ҳазрат Алишер Навоий ва Бобур Мирзонинг табаррук излари қолган. Бугун бу довон Тошкент — Термиз йўлини бирлаштириб турибди. Ана шу йўлнинг бир чеккасида Қоратепа адирлари ястаниб ётибди. Кейинги пайтда бу ерни китобликлар «Наврўз сайилгоҳи» дея аташмоқда. Мазкур нуфузли фестиваль арафасида бўлиб ўтган матбуот конференциясида анжуман режиссёрларидан бири — «Эски мачит» театр студияси раҳбари Исоқ Тўраев «халқ сайили сифатида ўтадиган бундай тадбир учун табиатнинг ўзи улкан саҳна» деганида минг бор ҳақ экан.

4-бет

9 май – Хотира ва қадрлаш куни

ИККИ АВЛОД УЧРАШУВИ

Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқали драма театрида Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган учрашув бўлиб ўтди

«Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги томонидан ташкил этилган ушбу тадбирга шаҳарча ҳудудидаги маҳаллаларда истиқомат қилаётган уруш ва меҳнат фахрийлари, ёши улуғ кишилар, талаба ёшлар таклиф этилди.

Юртимизда нуронийларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини тобора такомиллаштириш, уларга тиббий, санаторий-курорт, коммунал-маиший ва транспорт хизматлари кўрсатишни янада яхшилаш билан боғлиқ масалалар давлатимиз раҳбарининг доимий диққат-эътиборида экани таъкидланди. Зеро, ёши улуғларни эъзозлаш, уларга иззат-эҳтиром кўрсатиш, ибратли ҳаёт йўли, фаолиятидан ўрнак олиш, ўгит ва насиҳатларига риоя этиш халқимизнинг азалий қадриятларидандир.

Умумхалқ байрами 9 май — Хотира ва қадрлаш куни арафасида «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида ҳам бир қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Ёлғиз кексалар, ижтимоий муҳофазага муҳтожлар, уруш ва меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олиниб, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилмоқда. Байрам муносабати билан олий ўқув юртларида, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида, мактабларда уруш ва меҳнат фахрийлари иштирокида учрашувлар, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

Фестиваль

НУРЛИ КЕЛАЖАККА ИНТИЛАЁТГАН КАРВОН

Бугун Қашқадарё вилоятининг Китоб туманида «Асрлар садоси» деб номланган анъанавий маданият фестивали бошланади.

Аввало, бу ўзига хос анжуман, ҳатто уни қутлуғ деб ҳам аташ мумкин. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ташаббуси билан ўтказилаётган мазкур тадбирда асрлар давомида сайқалланиб, ривожланиб келаётган миллий қадриятларимиз, кураш, кўпкари, қўшиқ, рақс сингари жозибали ҳамда мардона ўйинлар намойиш этилади.

Тўй — самимий туйғулар ва тилаклар айёмидир. Бу гал ҳам шундай бўлди. Китоб тумани бир неча қундирки, байрам оғушида. Мамлакатимизнинг ҳамма томонидан, ҳатто ўзга юртлардан келаётган меҳмонлар карнай-сурнай садолари остида кутиб олинмоқда. Агар таъбир жоиз бўлса, елкасида икки дарё мавжланаётган Китоб — асрлар садоси ва келажак овозига пешвоз чиқди. Қадимий ва машҳур Тахтакорача довони пойида жойлашган Қайнар қишлоғида кенг адирлик бор. У кейинги йилларда «Наврўз сайилгоҳи» деб аталмоқда. Фестиваль учун худди шу ер танланди.

— Очиғи, бундай катта оммавий тадбирни очиқ табиат қўйнида ўтказишнинг ўзига хос гашти бор, — дейди фестивалнинг бош режиссёри Рустам Шамсиддинов. — Фестиваль дастури хилма-хил. Кураш, кўпкари, миллий ўйинлар, либослар кўргазмаси, халқ бахшиларининг кўриклари бўлиб ўтади. Очиқ майдонда пазандалар тотли таомлар тайёрлашади. Хуллас, ҳақиқий халқ сайли бўлади.

Тарихий манбаларда қайд этилишича, Амир Темур бобомиз зафарли юришлардан Самарқандга қайтганидан кейин бепоён Конгил кенгликларида сайл ва тўйлар ўтказаркан. Бу ҳам бежиз бўлмаса керак. У киши Шаҳрисабзда қурдирган тенги йўқ Оқсарой «Зафар дарвозаси» бўлган. Шу кунгача сақланиб қолган кунгирадор қанотлар — дарвоза орасидан чиққан катта карвон Амир Темурнинг маҳобатли ҳайкали олдидан ўтди. Гўё улуғ ишларимизга улуғ зот дуогўй бўлиб тургандай сайилгоҳга кириб кела бошлади. Туялар бўйнига илинган қўнғироқлар эса гўё асрлар садоси бўлиб янгради.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

КАНДАКОР УСТА

Ўзбекистон Бадиий Академияси ҳамда Ҳунармандлар уюшмаси аъзоси, фарғоналик кандакор уста Зокиржон Ғофуровнинг дурдона асарлари ноёб санъат намуналари сифатида нафақат юртимизда, балки кўплаб хорижий мамлакатларда ҳам довруғ таратган.

Ўнлаб шогирдларига ўз ҳунари сир-асрорларини қунт билан ўргатаётган кандакор устанинг мўъжаз устахонасида тайёрланаётган асарлар кўплаб чет эл кўргазмаларида ҳам намойиш этиб келинади. Хусусан, шу кунгача устанинг ижод намуналари Россия, Қозоғистон, Германия, Буюк Британия, АҚШ, Франция, Япония ва Болтиқбўйи давлатларида муваффақият қозонган. Шу билан бирга, моҳир устанинг ўзбек миллий кандакорлик анъаналари асосида яратилган ўнлаб асарлари нусхалари юртимиздаги қатор санъат кўргазмалари, музейлар пештахталаридан муносиб ўрин эгаллаган.

— Келажакда ниятларим кўп. Аввало, устозим, машҳур кандакор уста Мақсуд Мадалиевдан ўрганган маҳорат мактаби сабоқларини ёшларга ўргатиш, янги-янги ижод намуналарини яратиб, кандакорлик шуҳратини янада юқори поғоналарга кўтаришдир, — дейди Зокиржон Ғофуров. — Қолаверса, ўз тажрибаларимни фарзандларимга ҳам ўргатиб, оиламизда кандакорлик анъаналарини давом эттириш.

Суратда: *кандакор уста Зокиржон Ғофуров ўғли Фирдавс билан иш устида.*

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.

СЎЗ

Мавриди келмаса чопма бедовни,
Жавобини билсанг, берма саволни.
Дунёда сукутдан яхшироғи йўқ,
Сўз айтишга мажбур қилма бировни.

Абдулла ОРИПОВ,
2008 йил, 29 апрель.

ИЖОД — КЎНГИЛ ИЗҲОРИ

Адабиёт, ижод шундай бир бағрикенг оламки, унинг эшиги ҳамма учун ҳамиша очиқ. Касб ҳам, ёш ҳам танламайди... Эътиқод билан изланса, бу беҳиштда ҳар ким ўз сўзини топаолади...

Адабиёт деб аталмиш эзгулик олами ичра яшаган одамдан ёмонлик чиқмайди дейишади. Унинг кўнглида яхшилик яшайди. Касб-коридан қатъи назар бундай одамлар қалбида илоҳий туйғулар мавж уради... Фақат ўз касбига дахлдор масалалар устида эмас, балки меҳр-оқибат, диёнат, инсон, ҳаёт, Ватан ҳақида ҳам ўйлайди. Бундай одамлар бошқаларни ҳам ўйга толдира олади. Бунга машҳур шифокор Абдулла Шоносир, самарқандлик прокуратура ходими Исматулла Йўлдошев, қашқадарёлик ҳуқуқшунос Холмуҳаммад Ҳасан каби турли касб эгаларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Уларнинг ҳаётга, инсонга муносабати бошқа ҳамкасбларидан бироз бўлса-да фарқ қилади, кўнгли очиқлик, камтарлик, самимият сезилиб туради.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят суди судьяси Исматулла МАМАНОВ ҳам ана шундай инсонлардан. Унинг ёзганларини ўқисангиз беихтиёр хаёлга толиб қоласиз...

УЧЛИКЛАР

Адолат —
Туҳматнинг кўксига санчилган шамшир.
Суғурманг уни.

◆◆◆

Оёғим ердан узилиб,
Нафс дорига осилиб
Ўлганимга анча бўлди.

◆◆◆

Воситачилик ҳар ҳолда
Пора олиш дегани эмас.
Аммо, иккаласи ҳам жиноят.

◆◆◆

Умр қисқа эди,
Туҳмат аралашиб
Баттар қисқарди.

◆◆◆

Ит вафо...
Бадфеъл эркакларнинг туҳмати бу —
Аёл зотига.

◆◆◆

Етмиш ёшдан ўтди бу одам.
Умр берсин.
Лекин, қишлоғидан нари ўтмади.

◆◆◆

У эшикдан кириб,
Бу эшикдан чиқдим.
Умр ўтди.

◆◆◆

Туяни яширсанг ўркачи...
Касални яширсанг иситмаси...
Ҳақиқатни яшириб бўлмайди.

◆◆◆

Қилич қинидан чиқди...
Огоҳ бўл.
Инон-ихтиёри ўзида эмас.

◆◆◆

От тепкисини от кўтарар.
Кўтаролмаса...
Отлиги қаерда қолди?

◆◆◆

Тушунарлими?
Тушунарли, деди ҳамма.
Демак, тушунарли эмас.

◆◆◆

Туғилдинг —
Ўлдинг.
Оралиқ йўл — Синов.

Исматулла МАМАНОВ

Фанимиз фидойилари

ЗОИР ОТАНИНГ ОЛИМ ЎҒЛИ

Қаттиққўл ва талабчанлиги билан ном чиқарган кимё фани ўқитувчиси Мирзажон Комилов бугунги дарсни одатдагидан фарқлироқ хушкайфият билан бошлади: «Болалар, ҳалол меҳнат билан бир ишни қилганингдан кейин шунга яраша натижасини кўриш инсонга завқ, хурсандчилик бағишлайди. Вақтим, кучим бекор кетмабди, умрим беҳуда ўтмабди деб ўзингизда бир сидра қониқиш туясиз.

Синфдошингиз Машкура Содиқованинг акаси Олимжон бундан саккиз йил аввал худди мана шу мактабда ўқиганди. У кимё фанига жуда қизиқарди. Менделеев жадвалини ёдлаб, турли тажрибалар ўтказишга рухсат беришимни кўп сўрарди. Мабодо маҳалласидан ўтиб қолсам, албатта, шогирдимнинг отаси Зоир акага дуч келардим. У киши фарзандининг ўқиши, мактабдаги юришларини эринмай сўрардилар. Ўғлимнинг исмини орзу-ҳавас билан Олим деб қўйганман. Ниятларим ушалармикан, домла? — деб сўрардилар.

Ота-онасининг болалари тақдирига бефарқ эмаслиги боис орадан йиллар ўтиб, Олимжон Тошкент политехника институтининг кимё-технология факультетига ўқишга кирди. Уни тамомлагач, ЎзРФАнинг Ўсимлик моддалари кимёси институтидаги тажриба-технология лабораториясида катта лаборант бўлиб иш бошлади ва кейинги фаолиятини илмга, изланишга қаратди. Куни кеча «Кимё» журналида Олимжоннинг алкалоидлар ишлаб чиқариш технологияларига оид биринчи илмий мақоласи эълон қилинибди. Мен ва ота-онасининг меҳнатлари зое кетмабди. Буни сизларга ибрат бўлсин дея гапириб беряпман...»

Олимжон дастлабки илмий изланишлари билан илмий-тадқиқот институтидаги домлалари, ҳамкасблари орасида тезда обрў-эътибор топди. Институт асосчиси, академик Собир Юнусовнинг назарига тушди. 1984 йилга келиб эса «Протопин, гидрастин, гелиотрин ва лаппаконитинларни ишлаб чиқариш технологиялари» мавзуида номзодлик диссертацияси ёқлади.

Олимжон Содиқовнинг бугунги кунгача юздан ортиқ илмий ишлари эълон қилинган. Унинг аллапинин, аконитин, бикукулин каби препаратлари турли халқаро ва республика миқёсидаги кўргазмаларда иштирок этиб, олтин, кумуш ва бронза медаллари билан сазовор бўлган. Ҳозир у киши «Алкалоидлар ишлаб чиқариш технологияси», «Алкалоидлар миқдори ва сифатини аниқлаш усулларини ишлаб чиқариш» гуруҳларининг илмий ишларига раҳбарлик қилиб келмоқда.

Шу ўринда институт олимлари, жумладан, Олимжон Содиқовнинг ҳам саъй-ҳаракати туфайли яратилган бир кашфиёт ҳақида тўхталмасликнинг иложи йўқ. Бу халқаро миқёсда эътироф этилган доривор ўсимликдан олинадиган антиаритмик аллапинин препаратидир. Бундан йигирма икки йил муқаддам яратилиб, институтнинг тажриба-ишлаб чиқариш корхонасида чиқарила бошлаган бу дори-дармон ҳозиргача юрак хасталигига учраган миллионлаб инсонларнинг дардига малҳам бўлиб келмоқда.

Юрак хуружи ҳозирга келиб, том маънода аср касалига айланди. Асаблар, эҳтиросларга қайнаган пайтда юрак панд бериб қўйиши оддий ҳолга айланиб қолди. Бунинг олдини олиш, юракнинг мунтазам ишлаб, бир меъёрда уриб туришини таъминлаш масаласи кун тартибига чиқан муаммолардан бирига айланди. Ушбу касалликни тез ва таъсирчан даволашда қўлланиладиган дори-препарат академик Собир Юнусов бошчилигидаги ўзбек олимлари томонидан яратилди. Мазкур препаратдан бугунги кунда нафақат мамлакатимизда, балки МДҲ давлатлари ва ҳатто Францияда ҳам фойдаланилиб келинмоқда.

2007 йилда аллапинин доривор препарати асосларини ишлаб чиқиб, уни тиббиёт амалиётига татбиқ этиб, ишлаб чиқишни ташкил этган бир гуруҳ олимлар Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника соҳасида янги таъсис этилган биринчи даражали Давлат мукофоти билан тақдирландилар. Улар орасида Олимжон ака ҳам бор.

Олимжон ака ҳозир ҳам ёниб, янги илмий лойиҳалар, ихтиролар хаёли билан яшамоқда. Барчамизга ана шундай ёниб яшаш бахти насиб этсин.

Шуҳрат РИЗАЕВ

Суратда: *Олимжон Содиқов шогирдлари ва ҳамкасблари билан.*

Аччиқ, аммо очиқ гап!

ШАҲАР ҲУСНИДАГИ ДОҒ

ёки бепарволик ва масъулиятсизлик оқибати

Юртимиз харитасида пайдо бўлганига эллик йил тўлган чўлқуварлар маскани — Янгиернинг ҳавас қилгулик боғ-роғлари, хиёбонлари, равон кўчалари, обод майдонлари кўп. Шулардан бири шаҳарнинг қоқ ўртасидан кесиб ўтувчи Жанубий Мирзачўл канали ва Катта Ўзбек тракти ёқасидаги сайхонликда жойлашган Саркисов хиёбони эди.

Мазкур хиёбон бундан ўнўн беш йиллар илгари янгиерликларнинг энг севимли ҳордиқ маскани эди. Бу ерга саратонда ёшлар, фахрийлар келиб, арча, чинор, эманлар соясида мириқиб дам олар-рак йигит-қизлар каналда мазза қилиб чўмиларди, ахду паймонли ёшлар ҳаяжонли висол учрашувларига чиқарди.

Яқинда янгиерлик бир танишимизникига меҳмонга ўтаётиб, хиёбоннинг бугунги аҳволига кўзимиз тушди-ю, гўзал бир гўшанинг ташландиқ ҳолидан юракларимиз увишиб кетди. Дарахтлар қаровсизликдан сийраклашган, улар остидаги ўриндиқларнинг ранги ўчган, симёғочлардаги ёритгичлар синдирилган, ерга тартиб билан ётқизилган мармар кошинлар кўчирилган...

Хиёбон маркази чиройли манзарали ўйин панжаралар қисмини кимлардир кўчириб кетибди. Кишини афсуслантирадиган, кўнгилни хира торттирадиган бу манзара ҳаманинг назаридан четдаги бир гўшада эмас, шаҳарнинг энг кўринарли ерида жойлашган. Қўл чўзсанг етадиган жойда автошоҳбекат, равон марказий кўча эса тўғри ҳокимият биносига олиб боради. Демак, шаҳар раҳбарлари, жамоатчилик деярли ҳар куни бу ердан бир неча марта ўтишади. Наҳотки уни кўришмаса? Нима бу — бепарволикми? Ёки кимдир келиб бу ерни обод қилиб беради деб кутишмокдами? Эҳтимол, шаҳар раҳбарлари маблағ йўқ қиладиган мард топилмаса? Наҳотки одамларнинг бошини қовуштириб, ҳашар уюштиришнинг имкони бўлмаса?..

Ўйлаймизки, шаҳар жамоатчилиги бу аҳволга муносабат билдиради, хиёбонни асл ҳолига қайтаради ва уни яна янгиерликларнинг севимли маскани-нига айлантиради.

Анқабой ҚУЛЖОНОВ,
Гулистон давлат университети профессори.
Турсунбек РАҲМОНОВ,
Сирдарё вилояти ички ишлар бошқармаси фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги полковник.

«POYTAXT AUKSION»

давлат унитар корхонаси

2008 йилнинг 3,6,10,13,17,20,24,27 июнь кунлари ўтказиладиган аукцион савдоларига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади:

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, Савдо расталари, 1-бинода жойлашган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дон инспекцияси тасарруфидаги 2002 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AW 540 бўлган, «ГАЗ-3102» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи — 3 500 000 сўм.

Тошкент шаҳар, Собир Рахимов тумани, Чимбой кўчаси, Талант проезди, 3-уйда жойлашган O'zbekiston Respublikasi Sog'liqni saqlash vazirligi Pediatriya ilmiy-tekshirish instituti тасарруфидаги 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AV 846 бўлган, «ВАЗ-2121» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи — 1 200 000 сўм.

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Абай кўчаси, 4-уйда жойлашган qo'mitasi Yangi texnologiyalar ilmiy-axborot markazi тасарруфидаги 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AY 846 бўлган, «ВАЗ-2106» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи — 2 200 000 сўм.

Савдоларда қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонасининг АТИБ «Ипотека-банки» Шайхотоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000004243151002 ҳисоб рақамига тўлайдилар.

Аризалар қабул қилиш савдодан бир соат аввал тўхтатилади.

Савдолар соат 11.00 да бошланади.

Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO'RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56
Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Shohaydar MIRHABIBOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat ta[illegible] bilan amalga oshiriladi.

Г — 449
12490 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 22.15
Topshirilgan vaqti — 00.35

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 6-may • Seshanba • 57 (27.862) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«Ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат аввало ўз фарзандлари қиёфасида, унибўсиб келаётган ёш авлод тимсолида шу халққа хос хусусият ва фазилатларни намоён этадиган, унинг азалий орзу-интилишларини рўёбга чиқарадиган буюк кучни кўради».

ЎзХДП: Жамоатчилик қабулхоналарида

«ФАОЛЛАРДАН МИННАТДОРМАН»

партиянинг Ғаллаорол туман кенгаши Жамоатчилик қабулхонасига келаётган хатлар, қўнғироқлардан бундай фикрларни тез-тез ўқиш, эшитиш мумкин

— Яхши ниятлар билан 2006 йилда «Нозимабегим Насибаси» хусусий корхонасини ташкил этган эдим, — дейди ЎзХДП аъзоси Насиба Илёсова. — Дастлаб миллий ва тўй либослари, махсус иш кийимлари, чойшаблар, пардалар тикишни йўлга қўйдик. Ўтган йили эса корхонамиз фаолиятини кенгайтириш мақсадида кредит олишга қарор қилдик ва ёрдам сўраб Жамоатчилик қабулхонасига мурожаат этдик. Қабулхона кўмаги, партия туман кенгашининг аралашувидан сўнг банкдан қисқа муддатда 10 миллион сўм кредит олишга муваффақ бўлдик. Натижада бугунги кунга келиб корхонамизнинг фаолият йўналишини кенгайтиришга, 1200 бош товуқ сотиб олиб, тухум, товуқ гўшти, қандолат маҳсулотларини ҳам савдога чиқаришга эришдик. Шундай қилиб, 30 нафар киши ишли бўлди, 10 та хонадонда касаначиликни йўлга қўйдик. Икки йилдан бери «Ташаббус» танловининг вилоят ҳамда республика босқичларида муваффақиятли қатнашиб келаяпман, «Шуҳрат» медали билан тақдирландим. Буларнинг ҳаммаси учун оддий бир аъзо сифатида мени ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган партиямизнинг туман кенгаши, Жамоатчилик қабулхонасидан миннатдорман.

Бугун шуни эътироф этиш керакки, сўнгги икки йил мобайнида мазкур Жамоатчилик қабулхонаси фуқароларнинг мурожаатларини ўрганиш, уларга амалий ёрдам бериш, мавжуд муаммоларни қонун доирасида амалий ҳал этиш имконини берадиган муҳим восита, партия дастурий мақсадларини рўёбга чиқаришнинг синалган шаклларидан бирига айланди. Биринчи йили қабулхонада 26 та ёзма, 43 та оғзаки мурожаат қайд этилган бўлса, ўтган йили мурожаатлар сони 81 тани ташкил этди.

— Умид ва ишонч билан қабулхонага келган фуқаронинг дарду ташвишларини эшитсак, мушкулини осон қилишга кўмаклашсак, жойларда бизга хайрихоҳлар кўпаяди, партиямизнинг обрўси ошади, — дейди ЎзХДП Ғаллаорол туман кенгаши раиси Бурҳон Темиров. — Молтоп қишлоғида истиқомат қилувчи фуқаро Иродахон Эргашеванинг мурожаатини олайлик. У ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида берилаётган истеъмол кредити олишда ёрдам сўраб келди. Банк филиалига мурожаат қилганимиздан сўнг унга 4 миллион сўм истеъмол кредити берилди. Энг муҳими, Иродахон ва унинг оила аъзолари, уни таниган-билганларда партиянинг жойлардаги кенгашлари, депутатлик гуруҳлари, у ёки бу даражадаги муаммоларни ҳал этишга қодир эканликларига ишонч пайдо бўлди. Энди улар тегишли ёрдам сўраб Жамоатчилик қабулхонамизга келишаяпти, қўнғироқ қилишаяпти.

Одатда, сиёсий партиянинг обрўси, таъсирчанлиги унинг амалий ишлари билан белгиланади. Шунинг учун ҳам қабулхонага тушаётган ариза ва мурожаатлар, талаб ва сўровларнинг ҳеч бирига кичик ёки оддий масалалар деб қаралмаяпти, уларнинг ҳеч бири эътибордан четда қолмаяпти. Ўтган йилнинг август ойида Сардоба қишлоғилик 1984 йилда туғилган Ғайрат Одиловнинг иш сўраб ёзган илтимосига нисбатан бўлган муносабат ҳам буни тасдиқлаб турибди. Бу масалада ХДПдан туман Кенгаши депутати Ибрагим Мухторов туман ҳокимлигига депутат сўрови киритди. Кўп ўтмасдан ёш йигит «Сангзорпарранда» ҳиссадорлик жамиятига ишга жойлашди. Сарбозор қўрғони «Олимлар» маҳалласидан Асқар Алиқулов, «Самарқанд» маҳалласидан Ирина Мацевич, Қангли қишлоғидан Марҳабо Бегимқулова, «Дўстлик» маҳалласидан Нодира Муҳаммадиеваларнинг мурожаатлари тўғрисида ҳам шундай фикрларни билдириш мумкин. Бу каби ўнлаб ариза ва мурожаатларнинг амалий ечимини топишда туман Кенгаши депутатлари Санақул Лапасов, Муҳаррам Зубайдуллаева, Абдурауф Суюнов сингари партиямиз фаолларининг хизматлари катта бўлди.

Жамоатчилик қабулхонасининг эшиги ҳамиша очиқ. Навбатчилик йўлга қўйилган. Унинг ишида партиямиздан сайланган 16 нафар туман, 3 нафар вилоят Кенгаши депутати, 62 та бошланғич ташкилот раислари фаол иштирок этмоқда.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ФАРЗАНДЛАРИ ҲЕЧ КИМДАН КАМ ЭМАСЛИГИНИ ЯНА БИР БОР ИСБОТЛАШДИ

Олтин медаль совриндорлари.

Бир ҳафта мобайнида пойтахтимизда давом этган кимё фани бўйича ўқувчиларнинг 42-халқаро Менделеев олимпиадаси якунига етди. М.Ломоносов номидаги Москва давлат университети Тошкент филиалида ғолиб ва совриндорларни тақдирлаш маросими ўтказилди. Мамлакатимиз ёшлари 1 та олтин, 1 та кумуш, 8 та бронза медалини қўлга киритиб, ўн бешта мамлакат вакиллари ўртасида умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди.

Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари.

28 апрель — 4 май кунлари пойтахтимизда кимё фани бўйича ўтказилган ўқувчиларнинг 42-халқаро Менделеев олимпиадаси чинакамига ёш истеъдодлар синови бўлди. Эслатиб ўтамиз, унда Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Молдова, Украина, Озарбойжон, Арманистон, Болгария, Белорусь, Руминия, Латвия, Эстония давлатларидан келган иқтидорли ёшлар ўз билимларини намойиш этиб, ғолиблик учун кураш олиб бордилар. Улар сафида ўн нафар юртимиз йигит-қизлари ҳам бор эди. Яна беш нафар ўнинчи синф ўқувчилари эса олимпиадада захирадаги таркиб сифатида иштирок этишди.

(Давоми 2-бетда)

Халқнинг маданий қадриятлари, маънавий мероси минг йиллар мобайнида Шарқ халқлари учун қудратли маънавият манбаи бўлиб хизмат қилган. Узоқ вақт давом этган қаттиқ мафкуравий тазйиққа қарамай, Ўзбекистон халқи авлоддан авлодга ўтиб келган ўз тарихий ва маданий қадриятларини ҳамда ўзига хос анъаналарини сақлаб қолишга муваффақ бўлди.

Ислом КАРИМОВ.

ЎТМИШ ВА КЕЛАЖАКНИНГ ОЛТИН КЎПРИГИ

3-4 май кунлари Қашқадарё вилоятининг Китоб туманида «Асрлар садоси» анъанавий маданият фестивали бўлиб ўтди

Бу ўзига хос анжуман қадим ва навқирон шаҳри Кешнинг ўлмас обидаси Оқсаройнинг «Зафар дарвозаси»дан чиққан карвоннинг етиб келиши билан бошланди. Тепада Зарафшон тизма тоғлари. Бу тоғларда улуғ саркарда, илм-маърифат ҳомийси Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг, ҳазрат Алишер Навоий ва Бобур Мирзонинг табаррук излари қолган. Бугун бу довон Тошкент — Термиз йўлини бирлаштириб турибди. Ана шу йўлнинг бир чеккасида Қоратепа адирлари ястаниб ётибди. Кейинги пайтда бу ерни китобликлар «Наврўз сайилгоҳи» дея аташмоқда. Мазкур нуфузли фестиваль арафасида бўлиб ўтган матбуот конференциясида анжуман режиссёрларидан бири — «Эски мачит» театр студияси раҳбари Исоқ Тўраев «халқ сайили сифатида ўтадиган бундай тадбир учун табиатнинг ўзи улкан саҳна» деганида минг бор ҳақ экан.

4-бет

9 май – Хотира ва қадрлаш куни

ИККИ АВЛОД УЧРАШУВИ

Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқали драма театрида Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган учрашув бўлиб ўтди

«Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги томонидан ташкил этилган ушбу тадбирга шаҳарча ҳудудидаги маҳаллаларда истиқомат қилаётган уруш ва меҳнат фахрийлари, ёши улуғ кишилар, талаба ёшлар таклиф этилди.

Юртимизда нуронийларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини тобора такомиллаштириш, уларга тиббий, санаторий-курорт, коммуналмаиший ва транспорт хизматлари кўрсатишни янада яхшилаш билан боғлиқ масалалар давлатимиз раҳбарининг доимий диққат-эътиборида экани таъкидланди. Зеро, ёши улуғларни эъзозлаш, уларга иззат-эҳтиром кўрсатиш, ибратли ҳаёт йўли, фаолиятидан ўрнак олиш, ўгит ва насиҳатларига риоя этиш халқимизнинг азалий қадриятларидандир.

Умумхалқ байрами 9 май — Хотира ва қадрлаш куни арафасида «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида ҳам бир қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Ёлғиз кексалар, ижтимоий муҳофазага муҳтожлар, уруш ва меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олиниб, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилмоқда. Байрам муносабати билан олий ўқув юртларида, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида, мактабларда уруш ва меҳнат фахрийлари иштирокида учрашувлар, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ЎЗБЕКИСТОН ФАРЗАНДЛАРИ ҲЕЧ КИМДАН КАМ ЭМАСЛИГИНИ ЯНА БИР БОР ИСБОТЛАШДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Якшанба куни М. Ломоносов номидаги Москва давлат университети Тошкент филиалида ғолиб ва совриндорларни тақдирлаш маросими ўтказилди. Унда олимпиада иштирокчилари, жамоалар раҳбарлари, олимпиада ташкилий қўмитаси, ҳакамлар ҳайъати аъзолари, экспертлар, дипломатик корпус вакиллари иштирок этишди. Дастлаб рағбатлантирувчи дипломга сазовор бўлган иштирокчилар номи эълон қилинди. Кейин бронза ва кумуш медаллари ўз эгаларига топширилди. Навбат олтин медалга ҳам етиб келди. Халқаро Менделеев олимпиадаси ташкилий қўмита ҳамраиси, Москва давлат университети кимё факультети декани, академик Валерий Лунин ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири Ғайрат Шоумаров ғолиблар — Юрий Тимченко (Россия), Кирилл Колесников, Игорь Степаненко, Анастасия Забильская (Украина), Puscasu Vlad Alexandru (Руминия), Павел Чулкин, Валерия Каснерик (Белорусь), Андрес Лаан (Эстония) ва Анвархўжа Мақсудхўжаев (Ўзбекистон)га олтин медаль ва эсдалик совғаларини топширишди.

Шундай қилиб 42-халқаро Менделеев олимпиадасида иштирокчиларнинг 9 нафари олтин, 15 нафари кумуш, 28 нафари бронза медалига сазовор бўлишди. 29 нафар ўқувчи эса диплом билан тақдирландилар. Мусобақа низомига кўра, медалларни қўлга киритган ёшлар Москва давлат университети ҳамда иштирокчи мамлакатлардаги олий таълим даргоҳларига имтиҳонсиз ўқишга кириш ҳуқуқига эга бўлишди.

Буни анжуман якунларидан ҳам билиб олиш мумкин. Бизнинг ёшларимиз яна 1 та кумуш, 8 та бронза медалига сазовор бўлишди. Яна бир эътирофли жиҳати шундаки, захирадаги иштирокчиларимизнинг 3 нафари ҳам бронза медалига лойиқ деб топилдилар. Уларнинг 2 нафари эса рағбатлантирувчи диплом билан тақдирланишди.

Валерий ПУТЛЯЕВ, ҳакамлар ҳайъати аъзоси, Москва давлат университети доценти (Россия):

— Шахсан мен жуда кўплаб халқаро олимпиадаларда ҳакамлар ҳайъати аъзоси сифатида иштирок этганман. Менделеев олимпиадаси ҳам қатор мамлакатларда ўтказилган. Очиғи, Ўзбекистондагидек самимий қабул ҳеч қаерда бўлган эмас. Бу ерда мазкур тадбирга ҳукумат даражасида эътибор қаратилди. Тайёргарлик ишлари юқори савия ва даражада ташкил этилди. Буларни кўриб, юртингизда ўсиб келаётган ёш авлод тақдирига катта эътибор берилаётганини чуқур англаб етдим. Ўзбекистон таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотларни кўриб, ўзбек дўстларимизга: «Бу борада сизлардан кўп нарсани ўрганса бўларкан», — деган фикрни айтдим. Энг муҳими, Ўзбекистонда халқаро Менделеев олимпиадасининг мазмун-моҳияти тўғри англаб етилган. Чунки бу танлов МДҲ мамлакатларининг илмий салоҳиятини юксалтиришда ва ҳамкорлик қилишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Ўзим россияликман, лекин ўзбекистонлик ёшлар иштироки ҳақида кўп қайғурдим. Чунки 15 давлатдан иштирок этган ўқувчиларни кузатиб, ўзбекистонликларнинг илмий салоҳияти анча юқори эканига амин бўлдим. Энг муҳими, улар шижоатли ва кўп нарсага қодир.

Мен ўтган асрнинг 90-йилларида Тошкентга келган эдим. Маълумки, диёлаб турган эди. Аэропортда тантанали кутиб олишнинг ўзи бизга иссиқ тафт, меҳр-муҳаббат, қувонч туйғулари бахш этган. «Ўзбекистон» меҳмонхонасида ҳам биз учун қулай шарт-шароитлар яратилган экан.

Менинг назаримда, бир ҳафта жуда тез ўтди. Чунки олимпиада дастури қизиқарли эди. Айниқса, Тошкент ва Самарқанд шаҳарларининг кўркам иншоотлари, меъморчилик санъати менда катта таассурот қолдирди. Гўри Амир мақбараси, Мирзо Улуғбек расадхонаси, Регистон ансамбли мени ҳайратга солди. Яна кўп дўстлар орттирдим.

Андрей КОНОНОВ, Минск шаҳридаги 51-ўрта мактаб ўқувчиси, кумуш медаль соҳиби (Белорусь):

— Қадимий Самарқандни кўргач, уни катта бир бўстонга ўхшатгим келди. Чунки бу шаҳар яшиликка бурканган экан. Юртимга қайтиб боргач, тенгдошларимга Ўзбекистонда кўрганларимни, олимпиададан олган таассуротларимни айтиб бераман. Яна бу диёрга келиб, мана шу гўзалликни ўз кўзлари билан кўришга ундайман. Боиси, Ўзбекистонда меҳмонга алоҳида эҳтиром кўрсатиларкан.

Юрий ТИМЧЕНКО, Великий Новгород шаҳридаги 26-ўрта мактаб ўқувчиси, олтин медаль соҳиби (Россия):

— Халқаро Менделеев олимпиадасида иккинчи бор иштирок этишим. Ўтган йили Минскда кумуш медаль билан тақдирлангандим. Бу йил ҳаракат қилиб, олтин медаль олдим. Бизга берилган имтиёздан фойдаланиб, Москва давлат университетининг кимё факультетига ўқишга кирмоқчиман.

Ўзбекистон мен учун катта кашфиёт бўлди. Қалбимга яқин юрт бўлиб қолди. Сизларда истеъдодли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида катта ишлар амалга оширилаётган экан.

Кумуш медаль соҳиби Равшан Мирзаев

Олимпиада иштирокчилари

Анвархўжа МАҚСУДХЎЖАЕВ, Тошкент педиатрия-тиббиёт институти қошидаги 1-академик лицейи ўқувчиси, олтин медаль соҳиби:

— Олтин медални олишимда кўпчиликнинг меҳнати сингди. Аввало, биз, ёшларнинг мана шундай нуфузли танловларда фаол иштирок этишимиз учун зарур шарт-шароитларни яратиб берган Президентимизга миннатдорчилик билдирмоқчиман. Олимпиаданинг энг муҳим жиҳати шундаки, 14 давлатдан келган тенгдошларимиз билан ўз билимимизни таққослаб кўриш имконига эга бўлдик. Менимча, биз билим ва иқтидор жиҳатидан ҳеч кимдан кам эмаслигимиз ва ҳатто айрим ўринларда устунлигимизни амалда исботладик, деб ўйлайман...

✧✧✧

Қувонч ва ҳаяжонларга тўла 42-халқаро Менделеев олимпиадаси ўз якунига етди. Иштирокчилар ва жамоа раҳбарлари бир олам таассуротлар билан ўз юртларига қайтиб кетишди. Энг муҳими, уларнинг барчаси мана шу муқаддас юртга яна бир бор ташриф буюриб, меҳмон бўлиш истагини айтишди. Самимий қабул учун Ўзбекистон халқига миннатдорлик билдиришди.

Маъмуржон МАҲМУД,
«Ўзбекистон овози» мухбири.
Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган суратлар.

«Истиқбол» — ЎзХДП ёшлар қаноти

Жорий йилнинг Ёшлар йили деб эълон қилингани Ўзбекистон Халқ демократик партияси «Истиқбол» ёшлар қаноти фаолиятида ҳам янгича йўналиш ва имкониятлар очмоқда. Ёшларга оид муаммоларни кўтариб чиқиш ва бунга кенг жамоатчилик диққатини жалб этиш, ёш фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, фаоллигини ошириш, бу ишларда ёшларга бевосита кўмакчи бўлиш эзгу мақсадга айланди.

Наманган вилоят партия кенгаши Ёшлар қаноти конференцияси худди шу масалаларга бағишланди. Айниқса, партия ёш аъзолари, электорат вакиллари, хайрихоҳ ёшлар, уларни ўйлантираётган масалалар ечимини топиш бўйича қизғин баҳс-мунозара бўлди. Йигит ва қизлар манфаатларини ифода этиш, улар дуч келаётган ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда депутатлар ваколатларидан фойдаланиш борасида таклиф-мулоҳазалар билдирилди.

— Бугун ЎзХДП вилоят кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти ўз сафида 12000 дан ортиқ йигит-қизни бирлаштиради, — деди вилоятдаги «Истиқбол»чилар етакчиси Аҳмаджон Мавлонов. — Улар сафининг ўсиб, фаоллашиб бораётгани партиямиз дастурий мақсадлари амалга ошиши кафолатидир.

Конференцияда сўзга чиққан Наманган туман партия кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчиси Умиджон Солиев, НамДУ қошидаги академик лицей талабаси Аброр Собиров, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Севара Алижонова ва бошқалар ёшлар манфаатлари бўйича партия дастурий мақсадларининг ижросини таъминлаш юзасидан ўз мулоҳазаларини ўртага ташладилар.

Конференция сўнггида Наманган шаҳридаги 26-Меҳрибонлик уйининг 14 нафар тарбияланувчисига фуқаролик паспорти, унга қўшиб «Истиқбол» ёшлар қанотининг эсдалик ёрлиғи тантанали равишда топширилди.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ

✧✧✧

Тошкент шаҳар партия кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти ташкил топганидан буён кўплаб тадбирларни амалга оширди. Бунинг натижасида шу ўтган давр мобайнида 3000 нафарга яқин йигит-қиз ХДП сафига қўшилди. Айни пайтда шаҳарда партиянинг ёш фаоллари қарийб 11 минг нафарни ташкил этади. Юнусобод, Мирзо Улуғбек, Собир Раҳимов туманларида ёшлар қаноти етакчилари туман кенгаши раисининг ўринбосари, Шайхонтоҳур туман кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчиси ЎзХДП «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси кенгаши раиси этиб сайланди. Шаҳар кенгаши Ёшлар қаноти конференциясида ана шу ютуқлар ва бошқа камчиликлар муҳокама этилди.

— Чилонзор, Бектемир, Мирзо Улуғбек туманларида қанотимиз ўз ташаббуслари билан ёшлар орасига чуқур кириб бораяпти, — деди ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси Исломбек Фузаилов. — Аммо барча туманларда ҳам аҳвол яхши, деб бўлмайди. Барчамиз чуқур ҳис қилиб турибмизки, бугун олдимизда улкан вазифалар турибди. Уларни амалга ошириш учун астойдил ҳаракат қилиш талаб этилади.

— Энг асосийси, қандай ташаббуслар билан чиқаётганимиз ва тенгдошларимизни эргаштириш учун нималар таклиф этаётганимизда, — деди ЎзХДП Чилонзор туман кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси Сайёра Деҳқонова. — Бугун мамлакатимизда бешта сиёсий партия фаолият кўрсатаётган бўлса, ҳар бирининг ёшлар қаноти мавжуд. Кейинги пайтда партиялар ўртасида бўлганидек, ёшлар қанотлари ўртасида ҳам рақобат кўзга ташланаяпти.

— Туман кенгаши қошида ёшлар сиёсий клубини ташкил этдик, — дейди ЎзХДП Юнусобод туман кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчиси Эрдон Мардонов. — Унинг фаолияти ёшлар орасидан келгусида партиянинг сайланма ва раҳбар органлари, турли даражадаги депутатликка номзодларни ҳар жиҳатдан тайёрлашга қаратилган. Бундай ташаббусларни кўпайтирсак, сафимиз фаол ёшлар билан тўлиб бораверади.

✧✧✧

Тошкент вилоят партия кенгаши Ёшлар қаноти конференциясида ҳам ана шу масалалар юзасидан вазифалар белгилаб олинди. Бу жараёнда партия ёш аъзолари, электорати вакиллари, хайрихоҳ ёшларнинг иштироки хусусида фикр алмашилди.

Сўзга чиққанлар ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоллигини ошириш, депутатлик гуруҳлари орқали йигит ва қизлар манфаатларини ифода этиш, улар дуч келаётган ижтимоий масалаларни ҳал этишда давлат ҳокимияти вакиллик органларидаги ЎзХДП депутатлари ваколатларидан фойдаланиш борасида таклиф-мулоҳазаларини билдирдилар.

— Бугун ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти ўз сафида 8200 нафардан ортиқ йигит ва қизни бирлаштирган, — деди Чирчиқ шаҳар партия кенгаши Ёшлар қаноти раиси Малика Азизова. — Демак, биз жуда катта қучмиз. Имкониятларимиздан самарали фойдаланиб, «Истиқбол» атрофида фаол ҳаракат қилсак, ҳар қандай масалани еча оламиз. Шу вақтга қадар бизда уюшқоқлик ва ташкилотчилик бироз етишмади. Бу камчиликлардан аввало ўзимиз қутулсак, бошқаларга ибрат бўла оламиз.

— Қуруқ гап — ортиқча юк, — деди ЎзХДП Тошкент туман кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчиси Дурдона Халилова. — Мана, икки йил фаолият кўрсатдик. Бундан ўзимиз қониқмаяпмиз. Кўпроқ амалий ишларни қучайтириш талаб этилаяпти. Қачон бизни жамиятда ўз ўрнимиз бўлади? Менимча, ташаббусларимиз ва ҳаракатларимиз билан эътиборга тушсаккина обрўмиз ошади.

Анжуманда ёшлар қанотининг бошқа кўплаб фаоллари ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Айниқса, партиянинг тажрибали, кўпни кўрган аъзолари, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Адиба Аҳмаджоноваларнинг ёшлар қанотини фаоллаштириш йўллари, давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик масалалари ҳақидаги фикрлари ёшларда қизиқиш уйғотди...

Шу куни конференция иштирокчиларининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари билан учрашуви ҳам бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққан депутатлар юртимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, жамиятимизда сиёсий партияларнинг ролини ҳамда турган ўрнини янада кучайтиришга қаратилган ишлар такомиллашиб бораётгани ҳақида тўхталдилар.

Шунингдек, учрашувда «Ёшлар йили» Давлат дастури ёшларимизни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уларнинг соғлом ўсиши, пухта билим олиши, яхши мутахассислар бўлиб етишишларида янада кенг имкониятларга замин бўлаётгани тўғрисида ҳам фикр юритилди. Фракция аъзолари Қонунчилик палатаси, депутатларнинг қонун ижодкорлиги, қонунлар ижроси юзасидан назорат-таҳлил фаолияти, сайловчилар билан ишлаш борасидаги кўплаб саволларга жавоб бердилар.

Шунингдек, ХДП ёш фаолларининг пойтахтимиздаги Ҳазрати Имом (Ҳастимом) мажмуасига сафари уюштирилди.

Конференцияларда ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Гулрўх Аъзамова иштирок этди.

Беҳзод ШУКУРОВ
Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган суратлар.

СИЁСИЙ КУЧ ЁШ ИШТИРОКЧИЛАРИ

масъулият ва дахлдорлик ҳақида фикрлашмоқдалар

Фракция фаолияти

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИ

Ўзбекистон сиёсатининг устувор йўналиши

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Президентимизнинг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармонидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди.

— Ушбу Фармондан Қонунчилик палатаси депутатлари, хусусан бизнинг фракциямиз аъзолари ҳам тегишли вазифаларни белгилаб олиши керак, — деди Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, ЎзХДП фракцияси раҳбари Аслиддин Рустамов. — Фармонда 2008 йил давомида бевосита инсон ҳуқуқларига оид 3 та янги қонун қабул қилиш, 3 та халқаро ҳужжатни ратификация қилиш белгиланган. Бу жараёнда амалдаги қонун ҳужжатларининг мониторинги, назорат-таҳлил жараёнида фаол қатнашишимиз талаб этилади. Айниқса, фуқароларга ушбу ҳужжатнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш, тарғибот-маърифий ишлари олиб боришни ҳам иш режамизга киритишимиз зарур.

— Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси салкам уч йил давомида тайёрланган, — деди Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси Акмал Саидов. — Унинг лойиҳасини ишлаб чиқишда 50 дан ортиқ мамлакат иштирок этган. Ўз вақтида бу ҳужжатнинг 400 саҳифалик лойиҳаси ҳам мавжуд эди. Жуда кўп ишланиб, такомиллаштирилиб, ҳозирги ихчам ҳолига келтирилган. 1989 йил охирида ўзбек тилига таржима қилинган. Умуман, декларация дунёда энг кўп тилга (360 тилга) таржима қилинган ҳужжат сифатида Гиннеснинг рекордлар китобига кирган. Жаҳонда инсон ҳуқуқларининг пойдевори бўлган ушбу декларация Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг бир ой ўтиб, яъни 1991 йил 30 сентябрда ратификация қилинган. Конституциямиз ушбу ҳужжатнинг барча нормаларига тўла жавоб беради.

Мамлакатимиз ҳозиргача инсон ҳуқуқлари бўйича жами 60 та ҳужжатга қўшилган ҳамда БМТ томонидан бу соҳада қабул қилинган олтита асосий халқаро шартнома қатнашчиси ҳисобланади. Фармонда белгиланганидек, инсон ҳуқуқлари, манфаатларини ҳимоя қилиш жамиятни ривожлантириш, давлат қурилиши Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг энг устувор йўналиши сифатида эътироф этилмоқда.

Ушбу Фармонда белгиланган вазифаларнинг тўлиқ амалга оширилиши ҳозирда мамлакатимиздаги сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, ўзгаришларнинг мақсад ва вазифаларига тўлиқ мос келади ҳамда уларнинг янада ривожланиши, янгиланиши учун яна бир мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилади.

Сўзга чиққан фракция аъзолари Машкура Сафоева, Гулистон Аннақличева, Боймурод Юсупов ва бошқалар ҳам Фармонда белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Ушбу йўналиш бўйича фракциянинг амалга оширадиган ишлари ҳақида келишиб олинди. Шунингдек, йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармонидан келиб чиқадиган вазифалар ҳам муҳокама этилди.

(Ўз мухбиримиз)

ЎзХДП: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

Янгийўл шаҳар, Пскент ва Қибрай туманлари кенгашларининг пленумлари бўлиб ўтди. Уларда партия кенгашлари ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳлари аъзолари, партия фаоллари, «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчилари иштирок этдилар.

Сўзга чиққанлар маҳаллий партия кенгашлари, бошланғич ташкилотлар фаолиятини тубдан яхшилаш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш ишларини кучайтириш зарурлигини таъкидладилар. Партиядан сайланган депутатлар маҳаллий Кенгашлар сессияларида қарорлар лойиҳаларини кўриб чиқиш пайтида электорат манфаатларидан келиб чиқиб, ўз позициясини ҳимоя қилиш бўйича тўпланган тажрибасини мустаҳкамлаши ва ривожлантириши лозимлиги ҳақида фикр алмашдилар. Шунингдек, депутатлик гуруҳлари давлат ҳокимияти ва бошқарув институтларининг қонун ҳужжатларини бажариши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда фаоллик кўрсатишлари зарурлиги алоҳида таъкидланди. Партия мафкуравий ишларини яхшилаш ва тарғиботчилар гуруҳлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ҳам таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Чирчиқ шаҳар кенгашининг пленумида Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Сирожиддин Аъзамов электорат ижтимоий муаммоларини ҳал этишда Жамоатчилик қабулхоналари ишини такомиллаштиришга алоҳида тўхталди. Иштирокчилар жойларда тўпланган тажрибага таяниб, қабулхоналар қошида ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказлари, ҳуқуқий маслаҳатхона, маҳаллаларда эса уларнинг бўлимларини очиш борасида таклифлар билдирди.

МУХТОРИЯТ МАСАЛАСИ

Якшанба куни Боливиядаги Санта-Крус департаментида бўлиб ўтган референдум натижалари шуни кўрсатдики, мамлакатнинг энг бой ҳудуди бўлган мазкур департамент аҳолисининг 85 фоиздан ортиғи мухторият тарафдори экан. Француз ОАВнинг хабарига кўра, маҳаллий маъмурият президент Эво Моралеснинг қаршилигига қарамай, мухторият масаласи бўйича референдум ўтказган. Ўтган йил Конституцияга киритилган ўзгартиш мухолиф кучларнинг норозилигига сабаб бўлди.

Унда даромадларни кам таъминланганлар фойдасини кўзлаб тақсимлаш назарда тутилган эди. Худди шундай референдум мамлакатнинг бошқа бешта провинцияси — Бени, Пандо, Тариха, Коочабамба ва Чукисакада ҳам ўтказилиши мумкин. Бу ҳудудларда табиий газнинг асосий захираси жойлашган ва уларда 58 фоиз лотин америкалик аҳоли истиқомат қилади. 2005 йилда сайланган Боливия президенти Эво Моралес департаментга мухторият мақомини бериш бўйича референдум ўтказишни «ноқонуний ва Конституцияга зид» дея таъкидламоқда.

ХОРИЖДА

ҲУСНИ МУБОРАК ДАВРИ

Шу йил 4 май куни Миср президенти Ҳусни Муборак 80 ёшни қаршилади. У ҳарбий генерал, араб-исроил урушларининг барчасида қатнашган. Мисрни 27 йилдан буён бошқариб келмоқда. Муборак нафақат араб дунёси, балки АҚШ, Европа ва Осиёда ҳам машҳур давлат арбоби. У 1981 йил 6 октябрида президент Анвар Саодат ўлдирилгач, ҳукумат тепасига келган. Ҳусни Муборак ўзига хос янги бир даврга асос солди.

Анвар Саодат ўз вақтида Исроил билан тинчлик битими тузган. 1978 йил Кэмп-Дэвид ва 1979 йил Миср-Исроил тинчлик шартномаси имзолангач, Миср халқаро майдонда яккаланиб қолди. Деярли барча араб давлатлари у билан дипломатик алоқаларни узди. Араб мамлакатлари Лигасининг штаб-квартираси эса Қоҳирадан Тунисга кўчирилди. Анвар Саодатнинг ўзи эса қотиллик қурбони бўлди.

Ҳусни Муборак Миср оғир сиёсий вазият ва иқтисодий қийинчиликни бошдан кечираётган бир вақтда давлат тепасига келди. Ушанда ҳамма уни вақтинча қўғирчоқ президент бўлади, деб ўйлаганди. Чунки илгари Ҳусни Муборак сиёсат билан жиддий шуғулланмаган. Лекин у тез орада йирик сиёсатчи эканини намойиш этди. Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш жараёни бошлангач, Миср Фаластин ва Исроил ўртасида уддабурон воситачи бўлиб хизмат қилди. 90-йилларда Ҳусни Муборакнинг мавқеи янада ошди, Шарм Аш-Шайх қароргоҳи Яқин Шарққа оид кўплаб тинчлик битимлари тузиладиган асосий жойга айланди. Аниқроғи, XXI аср остонасида Миср давлати йирик ҳудудий ҳамкорга айланди. Халқаро майдонда обрў-эътибори ошди. Мамлакат сайёҳларининг севимли ўлкасига айланди, иқтисодий салоҳияти йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Буларнинг бари Ҳусни Муборак Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш йўлини танлаган ва бу ғоя нафақат араб мамлакатлари, балки бутун дунёда ўз тасдиғини топгани туфайли юз берди.

Хориж капитали учун очиқ эшиклар сиёсати — «инфитах» миллий манфаат нуқтаи назаридан устувор сиёсат ҳисобланади. Шу билан бирга, мамлакат иқтисодига сармоя қўшадиган мисрликларга имтиёз берувчи кўпдан-кўп қонунлар қабул қилинган, мамлакатда олиб борилган коррупцияга қарши аёвсиз кураш ҳам ўз самарасини берди.

Лекин орадан узоқ йиллар ўтиб, шу йил 6 апрель куни Мисрда илк бор иш ташлаш юз берди. Қоҳира, Искандария ва бошқа шаҳарларда тўқимачилик саноати ходимлари иш ташлади. Унда 40 мингга яқин киши иштирок этди. Улар давлат ташкилотларини хусусийлаштиришга қарши чиқиб, ҳукуматдан маошни ошириш ва меҳнат шароитларини яхшилашни талаб қилди. Тадбир норозилик намойиши ва тартибсизликка айлангани йўқ. Собиқ президент Анвар Саодат ўлимидан сўнг жорий этилган фавқулодда вазият ҳамон бекор қилинмагани сабаб намойиш ўтказиш қонунчилик билан таъқиқлаб қўйилган. Иш ташлаганларни мухолифат кучлар ҳам қоралади.

Умуман олганда, Ҳусни Муборак нафақат ўз халқи орасида, балки халқаро миқёсда юксак обрў-эътиборга эга. Муқобиллик асосида ўтган президентлик сайловида унинг 88,6 фоиз овоз олгани ҳам фикримизнинг тасдиғидир.

Мисрда президент 6 йилга сайланади. Бундан ташқари, умумхалқ референдуми орқали ўз ваколатини узайтириши мумкин. Ҳозир мамлакатда Ҳусни Муборакнинг 45 ёшли ўғлини айтмаса, унга тенг сиёсий рақобатчининг ўзи йўқ. Кузатувчилар Ҳусни Муборакдан кейин у бошлаган ишларни маслакдош ўғли давом эттириши мумкин деб башорат қилишмоқда.

Гулгун СУЛТОНОВА тайёрлади.

«POYTAXT AUKSION»

ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ

қуйидаги объектларнинг аукцион савдоларига қўйилиши давом эттирилаётганлигини ва савдолар 2008 йилнинг 6,13,16,20,23,27,30 май ва 3,6,10,13,17,20, 24,27 июнь кунлари ўтказилишини маълум қилади.

Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Охунбобоев кўчаси, 45-уйда жойлашган «Тошкентвино комбинати» ОАЖнинг 1982 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AT 902 бўлган **«ГАЗ-53»** русумли автотранспорт воситаси.
Бошланғич нархи — 2 300 000 сўм.

Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Мусахонов кўчаси, 38-уйда жойлашган Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг 1980 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 BB 723 бўлган **«ГАЗ-2401»** русумли автотранспорт воситаси.
Бошланғич нархи — 750 000 сўм.

Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Я.Ғуломов кўчаси, 66-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси балансидаги 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AO 769 бўлган **«РАФ-2203»** русумли автотранспорт воситаси.
Бошланғич нархи — 4 500 000 сўм.

Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Султонали Машҳадий кўчаси, 186-уйда жойлашган «Ўзбекистон Шампани» ОАЖ балансида бўлган 100 дона **«Е-1500»** русумли цистерналар.
Ҳар бирининг бошланғич нархи — 541 320 сўм.

Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 55-уйда жойлашган Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармасининг 2004 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 TV 283 бўлган **«ГАЗ-3102121»** русумли автотранспорт воситаси.
Бошланғич нархи — 11 960 000 сўм.

Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Ўзбекистон кўчаси, 9-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг:

— 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 BD 613 бўлган **«Леганза»** русумли автотранспорт воситаси.
Бошланғич нархи — 14 500 000 сўм;

— 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AA 649 бўлган **«Леганза»** русумли автотранспорт воситаси.
Бошланғич нархи — 15 500 000 сўм.

Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Фарҳод кўчаси, 10-а уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Тошкент вилоят бошқармасининг 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AZ 658 бўлган **«ГАЗ-31029»** русумли автотранспорт воситаси.
Бошланғич нархи — 1 500 000 сўм.

Шунингдек, Тошкент шаҳар ҳудудида жойлашган, якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган қуйидаги ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик ҳуқуқи қўйилади:

Ҳамза тумани:

Чилангар кўчасида жойлашган, сатҳи 0,03 га. бўлган 2 та **ер участкаси.**
Ҳар бирининг бошланғич нархи — 2 295 000 сўм.

Мирзо Улуғбек тумани:

Ш.Бурҳонов кўчасида жойлашган, сатҳи 0,025 га. бўлган **ер участкаси.**
Бошланғич нархи — 922 500 сўм.

Сирғали тумани:

Қурувчи даҳасида жойлашган, сатҳи 0,02 га. бўлган **ер участкаси.**
Бошланғич нархи — 703 760 сўм.

Ер участкасининг бошланғич нархига ер участкаларини савдога тайёрлаш билан боғлиқ муҳандислик-геодезия ва лойиҳа ишларини бажаришга сарфланган харажатлар қўшилмаган, ушбу харажатлар харидорлар томонидан қопланади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун аризалар қабул қилиш автотранспорт воситаларига савдодан бир соат аввал, ер майдонларига савдодан уч кун аввал соат 18.00 да тўхтатилади.

Савдолар соат 11.00 да бошланади.

Савдоларда қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонасининг АТИБ «Ипотека-банки» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000004243151002 ҳисоб-рақамига тўлайдилар.

Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади.

Телефон: 233-02-49.

«Пойтахт Аукцион» давлат унитар корхонаси томонидан 2008 йил 29 апрелга қадар ўтказилган аукцион савдолари натижалари:

№	Объект номи	Объект манзили	Ҳар бир объект майдони	Объектлар сони	Сотилиш нархи (сўм)
1	Якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи	Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Маликов кўчаси	400 кв.м	1	11 700 000
2		Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Маликов кўчаси	100 кв.м	1	3 000 000
3	Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий қайта тузишни лойиҳалашни амалга ошириш» агентлигининг Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани филиали тасарруфидаги д/р 11 АК 302 бўлган «ВАЗ-21213» русумли автотранспорт воситаси	Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, Нўғай қўрғон қишлоғи	—	1	4 250 000

«Пойтахт Аукцион» давлат унитар корхонаси томонидан 2008 йил 29 апрелга қадар ўтказилган танлов савдолари натижалари:

№	Объект номи	Объект манзили	Балансда ушлаб турувчи корхона номи	Сотилиш баҳоси	Киритиладиган сармоя миқдори (сўм)
1.	Қурилиши тугалланмаган поликлиника биноси	Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, «Қорақамиш-1/2» даҳаси	Тошкент шаҳар ҳокимияти қошидаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси	675 000 (АҚШ доллари)	1 000 000 000
2	«BARAKA OLAM» масъулияти чекланган жамиятининг 49 фоиз давлат улуши	Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 42-уй	«BARAKA OLAM» МЧЖ	175 000 (АҚШ доллари)	190 000 000

ЗАНДАНИДА ЗАМОНАВИЙ КОЛЛЕЖ

Ёшлар йилида Пешку туманидаги касб-ҳунар коллежлари сони яна биттага кўпаядиган бўлди. Ҳозир Зандани қишлоғида иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи биносининг қурилиши жадал суръатлар билан олиб борилмоқда.

— Лойиҳа қиймати 2 миллиард 250 миллион сўмлик бу объектни Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширмоқчимиз, — дейди «20-трест» масъулияти чекланган жамиятининг 10-кўчма механизациялашган жамланмаси бригадири Самандар Нарзиев. — 540 ўринли коллеж ишга тушгач, туманнинг ҳисобчи-иқтисодчи ҳамда сервис хизмати ходимларига бўлган эҳтиёжи тўла қондирилади.

Даврон ВАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

БАРЧА ТУРДАГИ ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

БУХОРО ВИЛОЯТИ ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИ

қуйидаги иншоотларга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:

БУХОРО ВИЛОЯТИ ИИБГА ҚАРАШЛИ БОЛАЛАР БОҒЧАСИ БИНОСИНИ МУКАММАЛ ТАЪМИРЛАШ

Буюртмачининг бошланғич нархи — 213756,7 минг сўм.

Қурилиш ишларини бажариш муддати — 7 ой.

Қурилиш ишлари Давлат инвестиция маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

БУХОРО ШАҲАР, РИКОВА КЎЧАСИДАГИ МИЛИЦИЯ ТАЯНЧ ПУНКТИ БИНОСИНИ МУКАММАЛ ТАЪМИРЛАШ

Буюртмачининг бошланғич нархи — 181053,44 минг сўм

Қурилиш ишларини бажариш муддати — 7 ой.

Қурилиш ишлари маҳаллий бюджет ҳисобидан молиялаштирилади.

Буюртмачи манзили: Бухоро шаҳри, Б.Нақшбанд кўчаси, 10-уй. Телефон: 224-21-21, факс: 224-13-75.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: устав сармояси миқдори, танлов савдолари предметининг камида 20 фоиз миқдоридаги айланма маблағларга ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибаси ва кўникмаларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга ҳамда ишончга, шунингдек, етарли ишчи кучи захираларига эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

Бухоро шаҳар, Навоий шоҳ кўчаси, 5-уй, 18-хона. Тел: 223-96-29, факс: 223-97-51.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 60000 сўм.

Таклифлар (оферталар) танлов савдолари очилиш куни ва соатида қабул қилиниб, танлов қатнашчилари ва оферентлар иштирокида очилади.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзил: Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 5-уй, 18-хонада соат 10.00 да бўлиб ўтади.

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Объектлар номи:

ЛОТ-1:

1-1. *УМУМФОЙДАЛАНИШДАГИ 4К-859 ЛАНГАР-ҚОРАҚАЛПОҚ АВТОЙЎЛИНИНГ 1,4-3,4 КМ. ҚИСМИНИ МУКАММАЛ ТАЪМИРЛАШ.*

1-2. *УМУМФОЙДАЛАНИШДАГИ 4Н-8716 ПАНДИГОН ҚИШЛОҒИГА КИРИШ АВТОЙЎЛИНИНГ 0-2 КМ. ҚИСМИНИ МУКАММАЛ ТАЪМИРЛАШ.*

Қурилиш муддати — 30.09. 2008 йил.

Буюртмачи: Фарғона вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

Манзили: Фарғона шаҳар, Қ.Раҳимов кўчаси, 2-а уй, тел(факс): 224-24-33.

Қурилиш ишлари Республика йўл фонди маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуққа эга, ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, ишончли ва кўприк қурилиш ишлари учун махсус лицензияларга эга бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича:

Фарғона шаҳри, Қ.Раҳимов кўчаси, 2-а уй (Фарғона вилояти «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси биноси), телефон/факс: 224-18-71, 224-18-76 мурожаат қилишлари мумкин.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда офертларни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

Қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

ҚУЙИДАГИ ИНШООТЛАРГА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТЛАРНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Иншоот номи	Бошланғич нархи ҚҚС билан (сўм)	Қурилишни якунлаш муддати
ЛОТ №1.1	Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Атанган гузар МФЙдаги қурилиши тугалланмаган бинони қишлоқ шифокорлик пунктига қайта мослаштириш.	96 540 000	2008 йил 1 сентябрь
ЛОТ №1.2	Наманган вилояти, Чуст тумани, Чуст шаҳридаги касалхона биносини қишлоқ шифокорлик пунктига қайта мослаштириш.	64 320 858	2008 йил 1 сентябрь

Буюртмачи: Наманган шаҳри, Амир Темур кўчаси, 105-уйда жойлашган Наманган вилояти ҳокимлигининг Ягона буюртмачи инжиниринг компанияси.

Телефон: (8-3692) 26-22-60, 33-77-06.

Қурилиш ишлари Давлат маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдо предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Наманган вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича: Наманган шаҳри, Навоий кўчаси, 36-уй, иш кунлари соат 10.00дан 16.00гача мурожаат қилиш мумкин.

Телефон/факс: (8-369) 226-14-50, 226-47-91.

Танлов ҳужжатлари битта Лот тўпламининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:

Наманган шаҳри, Амир Темур кўчаси, 105-уй.

«Асрлар садоси»

ЎТМИШ ВА КЕЛАЖАКНИНГ ОЛТИН КЎПРИГИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ҳеч муболағасиз шундай бўлди ҳам. Адирнинг икки томонида дорбозлар учун дорлар тикланган. Қирлар бағрида ўтовлар. Катта сайҳонликда тўрт минг томошабин сиғадиган амфитеатр ва улкан саҳна ҳозирланган. Ҳаво тўлдириб тикланган матолардан тайёрланган қатор арк ва девор қадимий қалъа тусини бериб турибди. Бир томонда «Ҳунармандлар гузари». Хуллас, афсонавий, тарихий манзаралар...

Эътироф этиш керак, бу ўзига хос анжуманнинг ташкилотчиси ва ташаббускори «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси халқимизнинг анъана ва удумлари, ҳунармандчилик ва амалий санъати, мусиқа, рақс, халқ оғзаки ижоди, бир сўз билан айтганда ўлмас қадриятларини сақлаш, тарғиб қилиш, ривожлантириш, ёш авлодни аждодларимизнинг муносиб ворислари этиб тарбиялаш борасида катта ишларни амалга оширмоқда. Биринчи бор ўтказилаётган анъанавий маданият фестивалининг дастуридан фольклор ва театр гуруҳлари, хонандалар, мусиқачилар, рақосалар ва халқ бахшиларининг чиқишлари, миллий либослар, амалий санъат кўргазмаси, кўпкари ва бошқа ўйинлар жой олган. Анжуманга Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан вакиллар қатнашди. Шунингдек, хорижий давлатлардан маданият ва санъат намояндалари, мамлакатимиздаги халқаро ташкилотлар ва дипломатик корпус вакиллари, Япония, Хитой, Франция, Болгария, Австрия каби давлатлардан меҳмонлар ташриф буюришди. Фестивалнинг шоу-дастурлари, кўргазма ва беллашувларида 246 нафар фольклор ижрочиси, 26 нафар миллий либос дизайнери, 54 нафар амалий санъат устаси, 16 нафар ошпаз, 50 дан зиёд чавандоз маҳорати синалди. Хомаки ҳисобларга кўра, сайилда 30-35 минг атрофида киши қатнашибди. Айниқса, форумнинг «Келажак овози» ҳамда «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивали ва бошқа лойиҳалари ғолиблари ҳам анжуманда фаол иштирок этдилар.

— Юртбошимиз бизларга ҳар доим ғамхўрлик қилиб келмоқдалар, — дейди фахр билан «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази фаоли, Тошкент архитектура ва қурилиш институти талабаси Аҳмаджон Иброҳимов. — Мен ҳозир «Иқтидорли талаба» стипендиясини олаяпман. Мазкур жамғарма минглаб иқтидорларни кашф этмоқда. Бугунги фестиваль ҳам ёшларнинг интилишларига кенг йўл очади.

Ўтовлар қаршисида туриб, халқ санъатининг мўъжизавий дурдоналари билан танишаётган айрим хорижий меҳмонлардан фестиваль ҳақидаги таассуротларни сўраймиз.

Като КЮДЗО, япониялик таниқли археолог, «Дўстлик» ордени соҳиби:

— Аввало, барчани бу ажойиб анжуман билан қутлайман. Бу тоғ Япониядаги Фудзи тоғига жуда ўхшар экан. Мен Сурхондарёда анчадан буён археологик изланишлар олиб бориб, шунга амин бўлдимки, бу заминда ҳали ўрганилмаган қанча тарихий манбалар бор. Энг муҳими, халқингизнинг меҳмондўстлиги, ўз миллий қадриятларини сақлаб келаётгани ибратлидир. Бизда ҳам катта байрамлар ўтказилади. Лекин бу сингари турли санъат ва халқона удумларни бирлаштирган, умумхалқ сайлига айланган анжуманни биринчи бор кўришим.

Атиф АЛА, Туркиянинг «Жиҳан» ахборот агентлиги мухбири:

— Менинг умр йўлдошим ўзбек. Шунинг учун тилингиз ва урф-одатларингиздан яхши хабардорман. Туркияда ҳам музейлар кўп. Аммо бугунги анжуманда кўплаб халқ санъати намуналари очиқ намойиш қилиняпти. Жудаям ғаройиб тадбир бўлибди.

✧ ✧ ✧

...Сайилгоҳ эрта тонгданоқ одамлар билан тўла бошлади. Кираверишда матолардан улкан ўтов тикланиб, тепасига «Қашқадарё музейлари кўргазмаси» деган сўзлар битилган. Бу жойда асрлар силсиласи, кечмишимиздан ҳикоя қилувчи экспонатлар қўйилган. Халқ ҳунармандчилиги, аждодларимизнинг ажойиб кашфиёти бўлган ўтовларнинг 28 тасини Деҳқонобод тумани ҳунарпешалари ясашибди. Барча ишга бош-қош бўлган туман хотин-қизлар қўмитаси раиси, ҳоким ўринбосари Дилором Ҳасанова, фермер Роза Очилова ҳозир кўплаб ёшлар ўз уйларида ҳунармандчилик билан машғул эканлиги, минг бошдан ошиқ «ангор» зотли эчкилар боқилаётгани, твитни қайта ишлайдиган кичик корхона қурилгани ҳақида гапириб, ўтов-уйга таклиф қилишди. Ичкари эса ҳақиқий музей экан. Чеварлар тиккан сўзана, зардевол, буғчамалар илиб қўйилган. Ангор эчки жунидан тўқилган чакмонни ҳам кўрдик. Шу ўтов мезбони, ўн фарзанднинг онаси, етмиш икки ёшли Ҳайитгул момо Азимова аввал чанқовуз чалиб берди, кейин эса қадимий ўланни айтиб, элюртни, бугунги ёшларни дуо қилди:

Сум-сум тилло, сум тилло,
Сувга солсанг ботмасин.
Худо берган давлатинг
Тепкиласанг кетмасин.
Қўйингиз қумдай жойлансин,
Корсон қуйруқ бойласин.
Дўстларингиз зўр бўлсин,
Душманингиз кўр бўлсин...

Яна бир ўтовдаги мисдан ясалган қадимий манқал, қўра, чилопчин, чеварлик маҳсулотлари эътиборимизни тортди. Улар Китобнинг тоғли Тўпчоқ қишлоғида ўз уйларида музей очган она-болага тегишли экан.

— Бу киши онам Турдиой Жўраева бўладилар, — дейди **Сулаймон ДАМИНОВ.** — Мана шу буюмларга бир неча аср бўлган. Уларни қидириб топдик, сотиб олдик. Уйимизда музей ташкил қилдик. Чунки бу буюмларни ўтмишда моҳир усталар ясашган...

✧ ✧ ✧

Шу адирлар бағридаги зилол булоқлари билан доврўғ таратган Қайнар қишлоғида яшаб ўтган машҳур халқ бахшиси Абдулло шоир Нурали ўғли дўмбира чертиб, шундай куйлаган экан:

Элда қўшиқ-куй бўлсин,
Келим-кетим, тўй бўлсин...

Бугун улуғ бахшининг орзулари ушалди. Истиқлол туфайли қир-адирларда катта тўй-анжуманлар ўтаётир. Фестивалнинг энг муҳим дастуридан бири халқ бахшилари, фольклор дасталарининг чиқишлари очиқ саҳнада ўтказилди. Қорақалпоғистонликлар ажойиб қўшиқ-лапарларни тақдим этишди. Хоразмнинг ўзига хос гармон, тор жўрлигидаги ўланлари кўпчиликнинг кўнглидан жой олди.

Абдумурод бахши РАҲИМОВ:

— Отамиз Қодир бахшининг довруғи юртга таралган эди. Бугун акам Қаҳҳор бахши, укам Баҳром ҳам отамизнинг дўмбирасини қўлдан қўймай келаяпти. Ажойиб бахшиларнинг чиқишларини кўрдим. Ана шундай сайиллар кўпайсин, илойим.

Рустам АБДУЛЛАЕВ, профессор, санъатшунос:

— Бугунги фестивалнинг мақсади олижаноб. Мана, халқ бахшилари фольклор дастурлари чиқишларини кўрдик. Бундай санъатнинг йўқолиши мумкинми? Асло. Чинакам санъат миллий заминдан озиқланади. Қаранг, қанчадан-қанча ёшларимиз миллий анъаналардан оқилона фойдаланиб, санъатда ўз йўлларини топишмоқда.

✧ ✧ ✧

Анжуман дастурига киритилган «Миллий либос фестивали» бошланганда, айниқса, ёш йигит-қизларнинг кўзлари чақнаб кетди. Аввало, намойиш этилаётган либосларда миллий удум ва қўл ҳунарларининг нақшлари акс этган, бичимлари ҳам ниҳоятда бежирим эди. Менимча, ёш дизайнерларнинг 11 та либослар тўплами — ўзига хос гулдаста бўлди. Масалан, бухоролик Раъно Ҳайдарова либослар тўпламини «Бухоро сайқали», сурхондарёлик Тоҳир Саидқулов «Юртимиз жилоси», тошкентлик Зулфия Раҳматуллина «Замона зайли» деб атабди. Бошқа либослар ҳам хушбичим, дилтортар эди.

Кўргазма-ярмаркага, ёғоч, мис ўймакорлиги, турли ёдгорлик буюмлари, матолар ҳам ўзига хос руҳ бағишлаган.

— Ўттиз йилдан буён миллий матоларимизни тўқиш, ёшларга касб ўргатиш билан машғулман, — дейди Марғилондаги **«Ёдгорлик» корхонаси раҳбари Аъзамхон Абдуллаев.** — Корхонамиз қошида «Устоз-шогирд» мактаби бор. Ҳозиргача икки минг нафардан ошиқ ёшлар касб ўрганишди. Мана, бу 5 хил беқасам, адрасни ўзимиз тўқиганмиз. Пахта ва ипакдан тўқиладиган бу матолар бозорда ўз харидорларини топаяпти...

Яна ҳунармандлар кўргазмасини оралаймиз. «Ташаббус-2008» танловининг «Миллий ҳунармандчилик» йўналиши бўйича ғолиби, китоблик Олим Тўраев ясаган ўймакор ёғоч сўри, шоҳмот тахтаси, хонтахталар ҳайратга солади кишини. Мамлакатимизда Бухоро, Риштон, Шаҳрисабз, Касби кулолларининг маҳорати донг таратган. Масалан, шаҳрисабзлик машҳур кулол Аҳмад Музаффаровнинг набираси Рустам Музаффаров мактабда ўқиса-да ясаган буюмлари билан эл назарига тушмоқда. Фарғона вилоятининг Риштонида академик Шарофиддин Юсуповнинг кулоллик мактаби ҳам бор. «Биз етти авлод кулолларимиз», дейди унинг ўғли **Фирдавс Юсупов.** У ўз ҳунари маҳсули — сопол буюмларни якинда Тошкентдаги ярмарка-бозорда 2 минг АҚШ долларига сотганини айтиб, «ҳунарнинг нони ширин, экан», деб қўяди...

Тошкентдан келган рассом Шамсиддин Рихсиевнинг қадим миниатюра санъати йўлида яратган асарлари эътиборни тортади. Унинг расмлари Германия, Голландия, Франциядаги кўргазмаларда намойиш қилинган экан. Бир тарафда Шаҳрисабздаги тасвирий санъат лицейининг ёш рассомлари очиқ ҳавода расм чизаётган экан. Уларга маслаҳат бериб, ишларидан завқланиб турган Ўзбекистон халқ рассоми Акмал Нур ўн тўрт ёшли қизчаси Муниса билан сайилга келибди. «Мен либослар бўйича дизайнер бўламан, бугунги сайилда, кўрганларим ҳеч қачон эсимдан чиқмайди», дейди Муниса ҳаяжонланиб.

Хоразмча чўғирма кийган, олдидаги ёймадаги кичик-кичик ҳуштакларни болаларга тарқатаётган, бармоқларига қўғирчоқ қўндириб, томоша кўрсатаётган кишини одамлар ўраб олишганди.

— Мен ясаётган қўғирчоқларда асл миллий қиёфалар акс этган, — дейди **Кўқон шаҳридан келган ҳунарманд Шоҳсанам Худойбердиева.** — Қадимда «Чодир хаёл» ичида қўғирчоқ томошалари кўрсатилган. Бугун шу анъаналар давом этаяпти. Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик тўйи тантаналарида Юртбошимиз мен ясаган қўғирчоқларга қизиқиб «Қаердаги «Барби»ларни эмас, фарзандларимизга миллий қўғирчоқлар ясаб берайлик» дегандилар. У кишининг сўзларидан руҳланиб, ўз фаолиятимни кенгайтирдим. 2-болалар ижодиёти уйида тўгарак очиб, 40 нафар ёшга ўз ҳунаримни ўргатаяпман. Бизда «Истеъдодли болалар» қўғирчоқ театри ҳам бор. Турли томошаларни болаларнинг ўзлари кўрсатишади. Мен бундан ташқари чиқинди қоғозлардан турли мевалар шаклини ҳам ясайман.

✧ ✧ ✧

Ошпазлар кўриги, қўчқор, хўроз уриштириш, кўпкари, кураш каби қизиқарли томошаларни мириқиб кўрган одамлар амфитеатр томон гуррос-гуррос оқиб кела бошлашди. Қарийб 30-35 минг томошабиннинг нигоҳи улкан саҳнага қадалган эди. Оқшом тушди. Фалакда юлдузлар милтиллай бошлади. Шу дам тоғ чўққиларида гулханлар ловуллаб ёнди. Осмонга камалак мисол мушаклар отилди. Ғаройиб бир манзара эди бу.

Анжуман дастурларида қатнашган бахши, фольклор дасталарининг иштирокчилари ва миллий йўналишда ижод қилаётган юртимизнинг таниқли санъаткорлари бирин-кетин қўшиқ ҳамда рақслар гулдастасини тақдим эта бошлашди. Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, Хитойдан келган санъаткорлар ажойиб миллий мусиқа ва қўшиқлар ҳам ижро этишди. Санъаткорлар чиқишлари орасида фестиваль ҳайъати аниқлаган ғолиблар эълон қилиниб, совғалар топширилди.

Очиғи, ғолибларни аниқлаш ҳам осон кечмади. Чунки ҳар бир жамоа ҳам, иштирокчи ҳам бу нуфузли фестивалга алоҳида масъулият билан жиддий тайёргарлик кўрганлигини амалда исботлади.

Икки кун давом этган ажойиб сайил иштирокчиларининг, барча-барчанинг юрагида ёруғ ниятлар уйғонди. Илло, ўзлигимизни англаш, Ватанимиз довруғини дунёга ёйиш йўлида қилинаётган бундай хайрли ишлар бардавом бўлаверсин. «Асрлар садоси» анъанавий маданият фестивали бизга нафақат завқ-шавқ, балки куч-қувват ҳам бағишлайди, шонли ўтмишимиз ва келажагимиз ўртасида ўзига хос олтин кўприк бўлиб хизмат қилади!

Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратларда: *фестивалдан лавҳалар.*

Р.ШАГАЕВ, Ш.ШАРОПОВ (ЎзА), М.ҲАМРОЕВ олган суратлар.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO`RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Ma`murjon PARPIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 449
12490 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O`zA yakuni — 21.25
Topshirilgan vaqti — 01.20
1 2 3 4 5 6 8
Sotuvda erkin narxda

Спорт

БАШОРАТГА ҲАЛИ ЭРТА

Футбол бўйича Ўзбекистон XVII миллий чемпионати саккизинчи тур учрашувлари ниҳоясига етди. Ўтган ўйинлардан шундай хулосага келиш мумкинки, бу галги мавсумда чемпионлик учун кураш ҳозиргача бирорта мағлубиятга учрамаган Тошкентнинг «Қурувчи» ҳамда «Пахтакор» жамоалари ўртасида бориши аниқ бўлиб қолди. Аммо бронза медали кимга насиб этиши тўғрисида башорат қилишга ҳали эрта. Чунки мазкур совринли ўринга «Машъал», «Сўғдиёна», «Насаф», «Нефтчи», «Андижон» сингари бир йўла бешоптита жамоа даъвогарлик қилаётир. Бу эса миллий чемпионат баҳсларининг аввалгиларига нисбатан қизиқарли ва муросасиз кечишини таъминламоқда.

Гарчи, охирги турда чемпионат жадвалида карвонбошилик қилаётган «Қурувчи» ва «Пахтакор» футболчилари ўз рақибларини қийинчиликсиз мағлубиятга учратган бўлсалар-да, қолган учрашувларда бир қатор кутилмаган натижалар қайд қилинди. Жумладан, ўтган турда ўз майдонида Зарафшоннинг «Қизилқум» жамоасига ютқазиб қўйган (0:2) «Бухоро» футболчилари бу сафар Олмиқдан бир очко олиб қайтишди. Бир йиллик танаффуздан сўнг яна кучлилар қаторига қўшилган Жиззахнинг «Сўғдиёна» вакиллари мухлису мутахассисларни ўзларининг муваффақиятли ўйинлари билан қувонтиришмоқда. Асосан маҳаллий футболчилардан таркиб топган Фурқат Эсонбоев шогирдлари сўнгги ўйинда сафарда «Андижон» жамоаси билан дуранг ўйнашди — 0:0.

Еттинчи турда айнан андижонликлардан устун (2:0) келган Қаршининг «Насаф» жамоаси чемпионат жадвалида учинчи поғонага кўтарилиб олган эди. Бироқ бу гал Зарафшонда «Қизилқум»га худди шундай ҳисобда имкониятни бой берган Эдгар Гесс шогирдлари ўз ўринларини воҳадошлари «Машъал» футболчиларига бўшатиб беришди. Мубораклиқлар охирги ўйинда олий лига дебютанти Андижоннинг «ЎзДонгЖу» жамоасини кичик ҳисобда енгишди — 1:0.

Қолган ўйинларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Қурувчи» — «Локомотив» — 2:0, «Пахтакор» — «Навбаҳор» — 3:0, «Металлург» — «Нефтчи» — 1:1, «Шўртан» — «Динамо» — 1:1, ОТМК — «Бухоро» — 0:0.

Навбатдаги тўққизинчи тур ўйинлари 10-12 май кунлари бўлиб ўтади.

Саккизинчи турдан кейинги вазият

	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. «Қурувчи»	8	0	0	21-2	24
2. «Пахтакор»	6	2	0	14-1	20
3. «Машъал»	4	3	1	9-4	15
4. «Сўғдиёна»	4	3	1	9-6	15
5. «Насаф»	4	2	2	9-5	14
6. «Қизилқум»	4	2	2	10-8	14
7. «Нефтчи»	3	2	3	7-8	11
8. «Андижон»	3	2	3	5-5	11
9. ОТМК	3	1	4	5-7	10
10. «Динамо»	2	2	4	7-10	8
11. «Шўртан»	2	2	4	4-13	8
12. «Навбаҳор»	1	3	4	6-10	6
13. «Бухоро»	1	3	4	5-9	6
14. «Локомотив»	1	3	4	3-8	6
15. «Металлург»	1	2	5	4-11	5
16. «ЎзДонгЖу»	0	2	6	2-14	2